**КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!**

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 6 ноябрь • № 44-45 (663-664)

## Азиз тиббиёт ходимлари!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу муваффақиятларда ҳар бирингизнинг ҳиссангиз каттадир. Шундай экан, фурсатдан фойдаланиб, Сизларни бугунги касбий байрамингиз билан чин дилдан табриклаймиз.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони бўйича соҳада катта ўзгаришлар бўлди. Айниқса, тизимда бирламчи тиббий ёрдамнинг ислоҳ қилиниши ва аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат самарадорлигининг ошиши, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоят филиаллари, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда кўплаб тиббиёт муассасаларининг давр талаби даражасидаги фаолияти бунинг яққол ифодаси бўла олади. Хусусан, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг самарали меҳнатлари ҳам эътиборга муносибдир. Улар аҳоли орасида даволаш-профилактика чора-тадбирларини кучайтириб, касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Соҳанинг қайси бир йўналишига эътибор бермайлик, у ерда албатта, амалий ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам кўплаб ижобий фаолиятлар амалга оширилди. Бунинг баробарида, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Перинатал ва Республика она-бола скрининг маркази ва уларнинг вилоят филиаллари аҳоли орасида она ва бола соғлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш сиздек тиббиёт ходимлари қўлида экан, бор билимингиз, маҳоратингиз ҳамда тажрибангизни халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдек олижаноб ишга қаратасиз, деган умиддамиз.

Сизларни яна бир бор касбий байрамингиз билан самимий қутлаб, масъулиятли, аммо шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**




## УШБУ СОНДА:

7-бет КУЧ ВА ШИЖОАТ БИРЛИГИ МУҲИМ

8-бет ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

9-бет СОҒЛОМ АВЛОДЛАР КАМОЛОТИ

11-бет КАСБГА МЕҲР ВА ИШТИЁҚ РУҲИ БИЛАН

Оқ халат сиз учун
кундалик либос,
Касбингизга қўйибсиз
мунчалар ихлос.
Дилларда уйғотар
ҳавас, эҳтирос,
Меҳр-мурувватингиз
гўзал шифокор.

Гоҳида туну кун
ололмайсиз дам,
Дардманлар дардига
бўлай деб малҳам.
Юртдошлар бахти
бўлинг, ёнинг
мисли шам,
Куёшдек меҳр
нурингиз кулсин
шифокор.

## С БЛАГОДАРНОСТЬЮ В ДУШЕ

В жизни бывают такие люди, которые одним только словом могут исцелить тебя от недуга. И ты на протяжении всей жизни остаешься им благодарным. Здоровье – это самое важное в жизни, на которое порой мы не обращаем должного внимания. Но когда оно внезапно дает о себе знать, то мы, не раздумывая, обращаемся к медицинским работникам.

Недавно меня с диагнозом острое нарушение мозгового кровообращения доставили в городскую клиническую больницу № 7. И в течение нескольких дней я находился под контролем врачей, с большой ответственностью и профессионализмом следившими за моим здоровьем. Постепенно силы стали возвращаться ко мне, и сегодня, пользуясь случаем, через любимую газету я бы хотел поблагодарить весь сплоченный медицинский персонал за огромную любовь и ответственность к своему делу.

Особую благодарность выражаю заведующей отделением неврологии Инне Ким, лечащему врачу Лобар Саидалиевой и медицинским сестрам Эътибор и Дильдоре. В преддверии Дня медицинского работника со словами поздравления желаю всему персоналу больницы крепкого здоровья и успехов в работе.

**Рустам МАДЖИДОВ,**
**г. Ташкент.**

# *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ*

2009 йил 2 ноябрь № 378 Тошкент шаҳри

# Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

***Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришганлари учун қуйидагилар “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлансин:***

**1. Сеитов Арзыбай Генжалиевич** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиали фельдшери

**2. Палуанова Абадан Кдырбаевна** – 1-Нукус тиббиёт коллежи ўқитувчиси

**3. Ходжаниязова Генжехан Бердиниязовна** – Қорақалпоғистон Республикаси 1-сон силга қарши кураш диспансери болалар кабинети мудири

**4. Самандарова Зарафшан** – Қорақалпоғистон Республикаси Элликқальа туман марказий шифохонаси парҳез ҳамшираси

**5. Абсаттарова Венера Қошқарбаевна** – Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач ўринбосари

**6. Наимова Кимя Тохтасиновна** – Андижон вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

**7. Собиров Муқумжон** – Андижон вилоят сил касалликлари санаторийси врач-рентгенологи

**8. Пратова Мухаббатхон Кўчқаровна** – Андижон вилоят Хўжаобод туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач-педиатри

**9. Хайиткулов Ҳамидулла Ҳакимович** – Андижон вилоят Олтинкўл туман марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

**10. Ёкубова Зарифа Султоновна** – Андижон вилоят Андижон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Роввот” ҚВП мудири

**11. Омонова Гулнорахон Мамиталиевна** – Андижон вилоят Бўз туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Бобур-1” ҚВП мудири

**12. Ходжамбердиева Хапизахон** – Андижон вилоят Марҳамат туман марказий шифохонаси ички касалликлар бўлими мудири

**13. Шокиров Марибжон** – Андижон вилоят Хўжаобод туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач-эпидемиологининг ёрдамчиси

**14. Олимов Ўрин** – Бухоро вилоят Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Соктари” ҚВП мудири

**15. Кушаева Халима Нематовна** – Бухоро вилоят Ромитан туман марказий кўп тармоқли поликлиника врач-педиатри

**16. Бердиева Мунавар Умаровна** – Бухоро вилоят Вобкент туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Ҳаживон” ҚВП мудири

**17. Сафаров Хайрилло Тешаевич** – Бухоро вилоят Жондор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Хосакор” ҚВП мудири

**18. Мурадов Тўймурот Раҳмонович** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг хирургия бўлими мудири

**19. Каримов Қаҳрамон Раҳимович** – Бухоро шаҳар 11-сон поликлиника бош врачи

**20. Тажимуратова Собира Умаровна** – Бухоро вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири

**21. Мажидов Амир** – Жиззах вилоят Бахмал туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач-офтальмологи

**22. Нарзуллаева Махира Халиловна** – Жиззах вилоят Пахтакор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “А. Темур” ҚВП санитария фельдшери

**23. Йўлдошева Майрам Азимовна** – Жиззах вилоят Янгиобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Кўшқанд” ҚВП дояси

**24. Алибаева Зулхумор** – Жиззах вилояти кардиология маркази бош врачи

**25. Бозорбоев Саитқул Холбоевич** – Жиззах вилоят Зомин туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач-эпидемиологи

**26. Аминова Тухта** – Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази нефрология бўлими мудири

**27. Тураев Бахтиёр** – Қашқадарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси микрохирургия бўлими мудири

**28. Норбаев Ахмад** – Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-анестезиолог-реаниматологи

**29. Хамдамова Сафия** – Қашқадарё вилоят Китоб туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари

**30. Алимова Шохиста Алимовна** – Қашқадарё вилоят сил касалликлари диспансери болалар бўлими мудири

**31. Шаропов Сайпулла Эркаевич** – Қашқадарё вилоят Миришкор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Чандир” ҚВП мудири

**32. Абдиев Назарали** – Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи

**33. Сайидова Рукия Болтаевна** – Навоий вилоят силга қарши кураш диспансери бўлим мудири

**34. Тўраева Саодат Джамаловна** – Навоий вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси врачи

**35. Алхамов Нурмухаммад** – Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази чақалоқлар касалликлари бўлими мудири

**36. Худайкулов Санакул Асатович** – Саломатлик ва тиббий статистика институти Навоий вилоят филиали услубий врачи

**37. Абдирахмонова Эхтиборхон** – Навоий вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория мудири

**38. Жалолов Мадаминжон Иномжонович** – Наманган вилоят Поп туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач-урологи

**39. Нишанов Мадамин Эсонбоевич** – Наманган вилоят Чуст шаҳар марказий шифохонаси врач-психиатри

**40. Олимова Махмудахон Одиловна** – Наманган вилоят Уйчи туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Ҳизиробод” ҚВП мудири

**41. Мамадалиева Маҳлиратхон Холиқовна** – Наманган вилоят Учқўрғон туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария врачи

**42. Икрамова Халима** – Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-офтальмологи

**43. Абидов Зокиржон Икрамджонович** – Наманган вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази паразитология бўлими мудири

**44. Холбоева Умринисо Хайруллаевна** – Самарқанд вилоят Пайариқ туман марказий шифохонаси тез ёрдам бўлими катта ҳамшираси

**45. Арзикулова Собира Тохировна** – Самарқанд вилоят Нарпай туман туғруқ мажмуаси бўлим мудири

**46. Мухиддинова Ханифа** – Самарқанд вилоят Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Пахтакор-Н” ҚВП мудири

**47. Маматова Фируза Суяровна** – Самарқанд вилоят Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Теганабегим” ҚВП катта ҳамшираси

**48. Адилова Мавжуда** – Самарқанд вилоят Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси

**49. Ҳасанова Феруза** – Самарқанд вилоят Каттақўрғон туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиолог ёрдамчиси

**50. Битураев Махмутали** – Сирдарё вилоят Гулистон туман марказий шифохонаси терапия бўлими мудири

**51. Назаров Журабек** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали врач-хирурги

**52. Курбонов Отакўзи Жўрамуротович** – Сирдарё вилоят Боёвут туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири

**53. Расулова Махфуза Юлдашевна** – Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош фармацевти

**54. Пардаев Эркин Нуриддинович** – Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси даволаш ишлари бўйича бош мутахассиси

**55. Гулов Юсуфали Мамурович** – Сурхондарё вилоят Сариосиё туман юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи

**56. Раҳимкулова Гулбаҳор Маҳматкуловна** – Сурхондарё вилоят перинатал маркази лаборатория бўлими катта ҳамшираси

**57. Мукимова Адолат Шамирзаевна** – Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врачи

**58. Кулбошев Панжи** – Сурхондарё вилоят Шеробод туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария бўлими мудири

**59. Марупова Дилбар Озодовна** – Тошкент вилоят Пискент туман кўп тармоқли поликлиникаси врач-оториноларингологи

**60. Хакимова Махбубахон Аскаровна** – Тошкент вилоят Бўстонлиқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Сойлиқ” ҚВП мудири

**61. Ешимбетова Дамира Ашимовна** – Тошкент вилоят Юқоричирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**62. Миратаева Шоира Обидовна** – Тошкент вилоят Паркент туман марказий шифохонаси хирургия бўлими катта ҳамшираси

**63. Аппакходжаева Коммуна Султановна** – Тошкент вилоят Қуйичирчиқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Отажонов” ҚВП мудири

**64. Сатторов Илхом Одилович** – Тошкент вилоят Бўка туман марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири

**65. Байжанова Гулбахар Юсуповна** – Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлими мудири

**66. Алиева Матлюба Хамрокуловна** – Тошкент вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири

**67. Исмаилов Мухиддин Мамадалиевич** – Фарғона вилоят стоматология шифохонаси бош врачи

**68. Яхшибоева Мутабар Султоновна** – Фарғона вилоят Учкўприк туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Деҳқонов” ҚВП ҳамшираси

**69. Солиева Кароматхон** – Фарғона вилоят Охунбобоев туман марказий шифохонаси врач-педиатри

**70. Шерматов Рузимат Байматович** – Фарғона вилоят Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

**71. Узбекова Ирина Николаевна** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали ҳамшираси

**72. Собиров Олим Фазилович** – Фарғона вилоят Марғилон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач-инфекционисти

**73. Атамирзаев Махамаджон Махмудович** – Фарғона вилоят Бувайда туман марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири

**74. Умарова Муборак Ғаниевна** – Фарғона вилоят Олтиариқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Полосон” ҚВП ҳамшираси

**75. Аҳмедов Рустам Набиевич** – Фарғона вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири

**76. Орипова Хабиба Матраимовна** – Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош фармацевти

**77. Еферова Румия Захидовна** – Фарғона вилояти Риштон туман марказий шифохонаси туғруқ бўлими мудири

**78. Сатликов Палванбай** – Хоразм вилоят ихтисослаштирилган уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси неврология бўлими мудири

**79. Каримова Зайнаб Хайитбаевна** – Хоразм вилоят Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Хоразм” ҚВП мудири

**80. Хасанова Зияда Маткаримовна** – Хоразм вилоят Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош акушер-гинекологи

**81. Ярашов Рустам** – Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлими мудири

**82. Султонов Низамбай Худайёрович** – Хоразм вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази радиология бўлими мудири

**83. Саатов Алишер Рамазанович** – Тошкент шаҳар шошилинч тиббий ёрдам клиник шифохонаси реанимация бўлими мудири

**84. Раҳматиллаева Мухайё Ниғматиллаевна** – Тошкент шаҳар 23-оилавий поликлиника оила врачи

**85. Бобоназарова Замира Каримовна** – Тошкент шаҳар Яккасарой туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси врачи

**86. Калинина Наталья Аркадьевна** – Тошкент шаҳар М. Улуғбек туман 5-оилавий поликлиникаси врач-терапевти

**87. Рахманова Мукаррам Рамазановна** – Тошкент шаҳар М. Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи

**88. Камалов Сабиржан Акмалович** – Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси врач-анестезиолог-реаниматологи

**89. Кадырова Руфия Ибрагимовна** – Тошкент шаҳар С. Раҳимов туман талабалар поликлиникаси маҳаллий врач-терапевти

**90. Мамаджанова Халима Раимовна** – Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория мудири

**91. Белоусова Галина Андреевна** – Республика нейрохирургия илмий маркази лаборатория врач-лаборанти

**92. Белоцерковец Вера Георгиевна** – Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасининг бош врач ўринбосари

**(Давоми 3-бетда).**

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ*

2009 йил 2 ноябрь — № 378 — Тошкент шаҳри

# Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 2-бетда).

**93. Ишанкулов Ортиқбой Эшимович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицей директори

**94. Турсунов Ботир Султанович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар травматология, ортопедия ва нейрохирургия кафедраси доценти

**95. Юсупов Шухрат Абдурасулович** – Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий ишлар бўйича проректори

**96. Эрматов Шавкат Хорунбаевич** – 1-Марғилон тиббиёт коллежи директори

**97. Усманова Айгуль Давлетовна** – Республика касб касалликлари маркази 2-касб касалликлари бўлими катта ҳамшираси

**98. Ибрагимова Гульсара** – У. Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси логопеди

**99. Ахмедова Нелюфар Джалиловна** – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий клиник шифохонаси бош врачи

**100. Каримова Равшан Нишановна** – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-марказий клиник шифохонаси бош врачи

**101. Ганиев Абдирахман Моминжанович** – Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси қон-томир хирургияси бўлими мудири

**102. Мухамедова Нодира Манноповна** – "Алгоритм" тиббий-санитария қисми маҳалла врач-терапевти

**103. Юлдашева Насиба Патаховна** – 2-Республика клиник шифохонаси бош врач ўринбосари

**104. Ахмедова Холида Турдиниязовна** – 2-Республика клиник шифохонаси терапия бўлими мудири

**105. Аширматов Джамалиддин Артигалиевич** – 1-Республика клиник шифохонаси терапия бўлими мудири

**106. Ахмедова Мубарахон Джалиловна** – Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти директори

**107. Баротова Винера Джураевна** – Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачининг ўринбосари

**108. Солдатенко Ольга Александровна** – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази кадрлар бўлими бошлиғи

**109. Дадаева Саодат Мамадовна** – Дори воситалари ва тиббий буюмлар сиёсати маркази бош иқтисодчиси

**110. Мамаджанов Адилжон Орифович** – Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Курортлар бошқармасига қарашли "Чинобод санаторийси" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқарув раиси

**Вазир** **А. ИКРАМОВ.**


## «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси

# Сиз азиз тиббиёт ходимларини касб байрамингиз билан самимий муборакбод этади!

*Сизларни халқимиз саломатлиги йўлидаги масъулиятли ҳамда шарафли меҳнатларингизни қадрлаб, ўзингизга соғлик-саломатлик, тинчлик-омонлик ва оилавий хотиржамлик тилаб қолади.*

*"Pharmed sanoat" маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш хусусий корхонаси йилига 20 миллион қадоқ дори воситаларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, корхона томонидан ҳаёт учун зарур бўлган 50 дан ортиқ юқори сифатли дори воситалари тайёрланади.*

*Корхона Германиянинг DQS GmbH корхонаси томонидан берилган ISO 9001:2000 ва GMP-EU номли жаҳон стандартлари бўйича фаолият юритиб келмоқда.*

**Pharmed sanoat® – сифатига кафолат**

• Болинет • Орвинет • Ринза • Цинарикс • Ципрадед • Силамакс •
• Глобекс • Оптиприм • Омакс • Фунгикейр • Эссел форте •

*Постановление и исполнение*

# ДОСТИЖЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ГЕМАТОЛОГИИ И ТРАНСФУЗИОЛОГИИ УЗБЕКИСТАНА

***Охрана здоровья населения, рождение и воспитание здорового поколения, а также создание необходимых условий для этого являются главной целью правительства нашей страны, для реализации которой проводятся масштабные мероприятия. Все указы, постановления и нормативно-правовые документы, издаваемые на сегодняшний день, направлены именно на внедрение вышеуказанных идей в жизнь. Ярким примером данных позитивных изменений является создание специализированных медицинских центров, оснащение их самым современным оборудованием, подготовка квалифицированных кадров и т.д. С деятельностью одного из подобных медицинских учреждений вы можете ознакомиться в сегодняшнем номере газеты.***



Научно-исследовательский институт гематологии и переливания крови Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, являясь ведущим учреждением и координационным центром республики по проблемам гематологии и трансфузиологии, проводит многоплановую деятельность – лечебно-профилактическую работу, научные исследования, внедрение результатов научно-исследовательских работ в практику, разработку проектов и программ, проведение конференций, семинаров, подготовку научных кадров и др. И, естественно, вся проделанная на сегодняшний день работа будет представлена через доклады на II съезде гематологов и трансфузиологов Узбекистана, который состоится 12-13 ноября этого года в Ташкенте. Ровно 5 лет прошло с тех пор, как это событие было проведено в первый раз. На мероприятиях такого уровня всегда принято подводить итоги, объективно оценивать сделанное и наметить приоритеты, в рамках которых должно быть обеспечено устойчивое развитие гематологии и трансфузиологии.

Всем нам известно, что правительством страны и Министерством здравоохранения уделяется внимание совершенствованию гематологической помощи населению и развитию службы крови в республике. Основные задачи дальнейшего углубления и реформирования здравоохранения отражены в Указе Президента № УП-3923 "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения", Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" и ряде других постановлений.

Известно, что здоровье матери и ребенка являются гарантом светлого будущего. Не зря говорится, что от здоровой матери на свет рождается здоровый ребенок. Исходя из этого, Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и Всемирным банком был разработан и внедрен проект по широкомасштабным исследованиям эпидемиологии дефицита железа и фолиевой кислоты. Проект, общая стоимость которого составила более 200 млн. сумов, был внедрен в 2008 году. Его исследованиями были охвачены 2584 домохозяйства во всех регионах республики, в соответствии с современными международными требованиями проведена репрезентативная выборка. В течение 45 дней в этих домохозяйствах обследовано 2584 женщины фертильного возраста. Проведено анкетирование, включающее 93 вопроса по оценке эффективности программ анемии. Результаты исследований показали, что в республике уровень анемии среди обследованных женщин фертильного возраста за последние 12 лет снизился с 60% (1996, Медико-демографические исследования) до 32% (2008), т.е. анемия снижена почти в 2 раза.



В Постановлении Кабинета Министров "О мерах по совершенствованию организационной структуры и деятельности территориальных учреждений здравоохранения" предусмотрено создание гематологических отделений в составе многопрофильных медицинских центров для взрослых и детей. Главной актуальной проблемой в республике на сегодня является оказание специализированной гематологической помощи больным с гемобластозами, которая, к сожалению, не отвечает современным достижениям мировой практики и науки. Дефицит квалифицированных кадров в области гематологии, особенно на районном уровне, диктует необходимость подготовки гематологов и налаживание работы по лабораторной диагностике.

## СОВМЕЩЕНИЕ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ

Как известно, чтобы достичь больших результатов в деле, от нас требуется постоянная работа над собой. В нее входят как изучение материалов по определенной тематике, так и проведение качественного анализа прочитанного. Отмечу, что наши специалисты, осознавая всю важность своей профессии, пытаются со всей ответственностью подходить к ней. И в результате упорного труда были разработаны пути нового методологического подхода к сепарации ядросодержащих клеток (маркер CD34) с применением нового отечественного средства, седиментирующего эритроцит "Гледол" в экспериментальных условиях. Для тестирования биологических материалов на молекулярном уровне налажены молекулярно-генетические методы исследования. Проведено несколько серий опытов по изучению возможности культивирования клеток костного мозга и периферической крови для проведения цитогенетического анализа на наличие филадельфийской хромосомы – транслокации t(9;22), затрагивающей локусы онкогенов BCR и ABL у больных с хроническим миелолейкозом. Изучены метафазные пластинки и кариотип периферической крови у этой группы больных. Внедрены новые методы изоляции нуклеиновых кислот (ДНК и РНК) из различных биологических материалов по новому протоколу, соответствующему международным требованиям. К настоящему времени налажен и внедрен новый экспресс-метод выделения ДНК из лейкоцитов периферической крови и из слюны человека. К тому же специалистами разработан метод лечения хронических синовитов у больных гемофилией с введением в сустав рифампицина, который вызывает склерозирование синовиальной оболочки сустава. Определены показания и противопоказания к инвазивной терапии больных гемофилией в зависимости от характера и степени выраженности хронических синовитов. Благодаря этому удалось сократить расход криопреципитата на один геморрагический эпизод в 1,6 раза и уменьшить продолжительность заместительной терапии гемартроза с 7,9 до 4,1 дня. В целом у больных, получивших инвазивную терапию, число повторных кровоизлияний в сустав сократилось в 5 раз, число госпитализаций снизилось в 3,1 раза.



## СИЛЬНЫЙ КАДРОВЫЙ ПОТЕНЦИАЛ: РЕЗУЛЬТАТИВНОСТЬ В ДЕЛЕ

Сильный кадровый потенциал – это один из главных факторов, способствующих позитивному ходу дел. НИИ гематологии и переливания крови уделяется большое внимание вопросу подготовки кадров. В этом направлении совместно с кафедрой гематологии и трансфузиологии ТашИУВ пересмотрены программы по постдипломной подготовке врачей-гематологов, трансфузиологов и врачей-лаборантов на базе НИИ гематологии и переливания крови. На базе института организованы курсы подготовки врачей-лаборантов по вопросам коагулологии.

Следует особо отметить, что вопросам внедрения передовых технологий и учебно-методической литературы в клиническую практику уделено особое внимание. На сегодняшний день 27 сотрудников прошли стажировку в РГНЦ (Российский гематологический научный центр) Москвы, Санкт-Петербурге, Новосибирске, 12 – участвовали в различных международных конференциях. Это позволило внедрить в клинике новые программы по диагностике и лечению гемобластозов, которые ранее не применялись в республике.

В рамках обучения и повышения квалификации сотрудников института по линии DAAD два сотрудника прошли обучение в медицинских клиниках Дюссельдорфа и Берлина (Германия). Институтом налажено сотрудничество со специалистами Центра трансплантации Анкары (Турция) в области изучения пересадки костного мозга. Проведены семинары, рабочие встречи, составлен план дальнейшего сотрудничества. До конца текущего года запланировано открытие Центра по пересадкам гемопоэтических стволовых клеток (ГСК). Для этого Турецким агентством сотрудничества и развития (ТИКА) в виде гуманитарной помощи закуплено оборудования на сумму 550 тыс. долларов США. При содействии ТИКА 8 сотрудников института прошли двухмесячное обучение в Турецком центре по пересадке стволовых клеток госпиталя Баяндир (г. Анкара).

В 2008 году в институте были налажены методы молекулярной диагностики гемобластозов и предрасположенности к тромбофилии, ПЦР-диагностики гепатитов B и C и др. В свою очередь это позволило повысить процент выхода больных в ремиссию, снизить частоту осложнений и побочных действий цитостатиков.

## НЕПРЕРЫВНЫЕ УЗЫ СОТРУДНИЧЕСТВА

Здоровье населения, развитие здорового молодого поколения являются актуальной задачей не только в одной стране, но и во всем мире. Сотрудничество между странами, обмен мнениями и опытом в деятельности тоже важны. Вот уже на протяжении нескольких лет Научно-исследовательский институт гематологии и переливания крови сотрудничает с разными странами мира. На базе института с 2004 года реализуется благотворительная программа GIPAP (Швейцария), благодаря которой больные с подтвержденным хроническим миелолейкозом, острым лимфобластным лейкозом Ph-позитивный вариант бесплатно получают препарат Гливек. В рамках этой программы широкое внедрение в практику здравоохранения республики получили методы лечения и молекулярного мониторинга эффективности лечения больных миелолейкозом препаратом Гливек. Число больных, получающих этот препарат, возросло с 75 в 2006 году до 435 на ноябрь 2009 года.

Специалистами института выполняется международный грантовый проект NNHF Project "Повышение культурного и об-

(Окончание на 13-й стр.)

**12-13 ноября этого года в Ташкенте состоится II съезд гематологов и трансфузиологов Узбекистана**

2009 й.
№ 10-11

Ўзбекистон Республикаси | Халқаро тараққиёт уюшмаси | Осиё тараққиёт банки | Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

## «Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари



## «Health – 2» «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

## Проекты «Здоровье – 2» «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»



*Қарор ва ижро*

# ИСЛОҲОТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

*(«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури, «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари ижроси: Фарғона ва Навоий вилоятларидаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятлари ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар)*

***Таъкидлаш жоизки, республика тиббиёт тизимидаги бирламчи бўғинда олиб борилаётган фаолиятлар кўлами янада кенгайиб бормоқда. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор аҳолининг сифатли тиббий хизмат даражасини янада оширмоқда десак, янглишмаган бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаларининг ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятлари натижасида юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг қад кўтарганлиги, уларнинг замонавий технологиялар билан таъминланганлиги ва мутахассислар малакаси оширилиб, узлуксиз таълим жорий этилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.***

***Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларида сафар хизматларида бўлар эканмиз, аҳолининг саломатлиги учун яратилаётган шароит ва имкониятлар ҳамда шифокор ва ҳамшираларнинг амалиётдаги фаолиятларини кўриб, ислоҳот жараёнлари изчиллик билан давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Навбатдаги сафаримизни Навоий ва Фарғона вилоятларидаги қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда туғруқ мажмуаларида давом эттирар эканмиз, асосий мақсадимиз, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг қай даражада эканлиги ҳамда умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираларнинг фаолиятдаги ўрни, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларидаги янги технологиялардан оқилона фойдаланиш жараёнларини кузатишдан иборат эди. Имкон қадар амалиётдаги фаолиятлар билан танишишга ҳаракат қилдик ҳамда халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ва аҳоли билан суҳбатлашдик.***



*• Навоий вилояти •* *• Фарғона вилояти •*

# МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

***«Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари ижроси юзасидан Навоий ва Фарғона вилоятининг қишлоқ врачлик пунктлари ва туғруқ мажмуалари фаолияти билан танишиб қайтдик.***

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар малакасини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, узлуксиз таълим стандартларини ривожлантириш, халқаро тажриба, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш борасида кенг қамровли ва изчил фаолиятлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Фарғона ва Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги қишлоқ врачлик пунктлари ва туғруқ мажмуаларида олиб борилаётган ислоҳот жараёнлари бундан мустасно эмас. Айтиш жоизки, инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига хизмат қилиш, замон талаблари даражасидаги шифо масканлари сонини кўпайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари эса мутасадди раҳбарлар олдида турган долзарб вазифалар ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир давлат дастурида ҳам бирламчи тиббиёт тизимини ривожлантириш, соҳага умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашдек долзарб масала киритилди ва бу жараён узлуксиз равишда амалга ошириб келинмоқда. Навоий ва Фарғона вилоятининг барча қишлоқ врачлик пунктлари «Саломатлик-1 ва 2» лойиҳалари томонидан тўлиқ жиҳозланди. Ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктларида умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалар меҳнат қилишиб, аҳоли орасида даволаш-профилактика, соғлом турмуш тарзи сингари тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқдалар. Ҳар йили режага мувофиқ тор мутахассисликдаги врачлар умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув марказларида таҳсил олишмоқда. Шунингдек, «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари доирасида вилоятдаги барча туғруқ мажмуалари ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бунинг баробарида эса ҳамширалар «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари доирасида «Шахслараро мулоқот», «Кўкрак сути билан боқиш», «Бирламчи тиббий санитария тизимида ҳамширалар ишининг асосий кўникмалари», «Репродуктив саломатлик» мавзулари бўйича тажрибали тренерлар томонидан ўқитилди. Айни кунда жойларда ҳамширалар ўқув хоналари ташкил этилган бўлиб, у ерда ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.



Хизмат сафари давомида биз Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри, Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон туманлари ҳамда Навоий вилоятининг Учқудуқ, Томди туманлари ва Зарафшон шаҳарларида мазкур ҳолатлар бўйича бажарилган ишлар билан танишиб қайтдик. Аҳоли орасида мулоқотлар олиб бориб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан қизиқдик. Ишонамизки, юқорида бажарилган ишлар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмай, бу жараёнда янада фаоллик билан меҳнат қилишларини тақозо этади.

*Азиз ва мухтарам тиббиёт ходимлари! Сизларни касб байрамингиз билан самимий кутлаб, муборакбод этамиз. Халкимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингиз ривожи янада равнақ топиб, илмий салоҳият йўлидаги изланишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин. Ўзингизга ва оилангизга соғлик-омонлик ҳамда савобли ишингизга омад тилаб қоламиз.*

**«Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳалари.**




## *Учқудуқ тумани*

***Навоий вилоятининг Учқудуқ туманига кириб борар эканмиз, у ердаги замонавий тарзда бунёд этилган иншоотлар ҳамда гўзал табиат манзаралари бизни бефарқ қолдирмади. Шунингдек, халқ саломатлигини сақлашда Учқудуқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлган тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган фаолиятлар ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, Юртбошимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган Қарорлар ижроси бўйича бирламчи бўғин тизимида фаолиятлар жадаллик билан амалга оширилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Навбатдаги хизмат сафаримиз мазкур туманнинг «Кокпатас» ва «Шалхар» қишлоқ врачлик пунктларида бўлди.***

# ФАОЛИЯТДАГИ САМАРАДОРЛИК ТАРҒИБОТ ГАРОВИДИР



**Кымбаткул КАРЫМШАКОВА, «Кокпатас» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси:**

– Кейинги йилларда давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига бўлган эътибор ҳамда тиббиёт ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳар бир тиббиёт ходимини янада масъулият билан ишлашга ундамоқда. Эътироф этиш жоизки, юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигига қаратилаётган эътибор ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Қишоқ врачлик пунктимиз 2006 йилда қайта таъмирдан чиқарилиб, «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳудудда 1265 нафар аҳоли истиқомат қилади, уларга бир нафар умумий амалиёт шифокори, 4 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ врачлик пунктимиз Учқудуқ шаҳридан 72 километр узоқликда жойлашган бўлиб, аҳоли яшаш шароитлари ва уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат тўғри йўлга қўйилиб, бор имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Айниқса, репродуктив саломатлик бўйича патронаж ҳамшираларимиз аҳоли орасида тарғибот ишларини фаоллик билан давом эттирмоқдалар. Аҳолининг 249 нафари туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, уларнинг барчасини тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли тавсия ва маслаҳатларни бериб келмоқдамиз. Шунингдек, ҳудудимизда битта мактаб, битта боғча жойлашган бўлиб, у ердаги болалар соғлигини ҳам ўз вақтида назорат қилмоқдамиз. Яна шуни айтиб ўтмоқчиманки, бу ерда яшаётган аҳолига бирозгина бўлсада оғирроқ, чунки ён-атрофимиз чўл зонасидан иборат. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос инжиқликлари ўз таъсирини ўтказади. Лекин, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш ва беморларга керакли муолажаларни вақтида ўтказишда ҳамшираларимиз фаоллик билан иш олиб борадилар. Муаммоларга келадиган бўлсак, газ йўқ, ичимлик сув таъминоти талаб даражасида эмас, ҚВПда телефон масаласи ҳал қилинмаган, электр энергия эса вақти-вақти билан бўлмайди. Кузги ва қишки мавсум учун 20 тонна кўмир захираси олинган. Имкон қадар аҳоли саломатлигини сақлашда улар билан биргаликда иш олиб бориб, ҳар бир касалликнинг олдини олиш учун тарғибот ишларини кучайтириб бормоқдамиз.



**Фарзина ҲАЛИМОВА, патронаж ҳамшира:**

– Мана беш йилдирки мазкур ҚВПда фаолият юритиб келмоқдаман. Бизнинг асосий вазифамиз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда касбий маҳорат ҳамда тиббий билимдан оқилона фойдаланишдир. Давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган ҳар бир Фармон ва Қарорлар замирида аҳоли саломатлиги муҳофазаси ётар экан, бу албатта жамият тараққиётининг янада равнақ топишида муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу шунингдек, ҳар бир тиббиёт ходимига катта масъулият юклайди. Фаолиятим давомида аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб борар эканман, улар билан турли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказаман. Бундан ташқари, бемор ётган хонадонларда ҳамширалик жараёни бўйича парвариш ишларига катта эътибор қаратаман. Аҳоли орасида камқонлик ҳамда гипертония касалликлари мавжуд бўлиб, уларга керакли маслаҳат ва тавсиялар бериш билан бирга, буклетлар ҳам тарқатаман. Шунингдек, аёлларнинг ҳомиладорлик давридаги ва туғруққа тайёргарлик ҳолатларини доимий кузатиб бораман. Агар уларда жиддий ўзгаришлар хавфи ортадиган бўлса, тезда умумий амалиёт шифокоримизга тавсия этган ҳолда, ҳар қандай кўнгилсизликнинг олдини олишга ҳаракат қиламан. Шу ўринда айтмоқчиманки, ҳудудимизда экологик вазият яхши бўлмаганлиги сабабли, аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб бориб, уларнинг ўз соғликларига бўлган эътиборларини кучайтиришда бор имкониятлардан унумли фойдаланишимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

## Дорихона очилди

**Манат ШЕРИЕВ, Айдын КОЖАНОВА, «Кокпатас» қўрғони:**

– Аввало давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биздек чўл зонасида истиқомат қилаётган инсонлар саломатлигини ўйлаб, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилаётганлиги, янги тиббий асбоб-ускуналар келтирилаётганлиги ҳамда тиббиёт ходимларининг аҳоли саломатлигига эътиборини кучайтираётганлиги барчамизни мамнун қилмоқда. Айниқса, ҚВПдаги патронаж ҳамшираларининг хонадонимизга тез-тез келиб, керакли маслаҳатларни бериб кетаётганлиги соғлигимизга ҳамда тиббиётга бўлган ишончимизни орттирмоқда. Бундан ташқари ҚВП ичида дорихона очилганлиги жуда яхши бўлди. Авваллари дори-дармон учун 72 километр йўл босиб, шаҳар марказидаги дорихоналарга борар эдик. Оилада 4 ёшли фарзандимиз бор, эндиликда эса яна фарзанд кутаяпмиз. Дунёга келаётган фарзандимиз учун ҳамшираларнинг бераётган маслаҳатлари ниҳоятда ўринли эканлигига амин бўлаяпмиз. Айниқса, ҳомиладорлик даврида ота ва онанинг бурчи, соғлом турмуш тарзи ҳамда оиланинг ўрни нечоғлик муҳим эканлигини дилдан ҳис этаяпмиз. Ҳолимиздан хабар олиб, соғлигимиз учун қайғураётган тиббиёт ходимларига яна бир бор миннатдорчилик билдириб қоламиз.

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТ ЗАРУР



**Шоира ПАРДАЕВА, «Шалхар» ҚВП мудираси:**

– Ҳудудимиз асосан чўл зонасида жойлашган бўлиб, 2313 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 386 нафари туғиш ёшидаги аёллар, 39 нафари ўсмир ёшлар бўлса, 246 нафари 14 ёшдан юқори. Шунингдек, ҳудудимизда 1 та мактаб, 1 та боғча, «Учқудуқ» савдо ташкилоти, нефть базаси ҳамда «Учқудуқ» темир йўл станцияси жойлашган. ҚВП 2000 йилда фаолият бошлаган. «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича лаборатория жиҳозлари, автоклав, қуритиш шкафи, ширма ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Аҳолига тиббий сифатли хизмат кўрсатишда ҳамшираларимиз меҳнати катта бўлмоқда. Улар соҳага оид бўлган Фармон ва Қарорлар ижросини амалиётга татбиқ этиш мақсадида аҳоли орасида тарғибот ишларини фаоллик билан олиб бормоқдалар. Яна шуни таъкидлаш жоизки, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда муассасамизда 2009 йилнинг 16 сентябрида дорихона очдик.

Бир кунда ўттиз ва ундан ортиқ бемор қабул қиламиз ҳамда уларга касаллик бўйича ташҳис қўйган ҳолда даво муолажаларини бошлаб юборамиз. Бундан ташқари ҚВПда кундузги стационар бўлиб, унда беморлар керакли муолажаларини оладилар. Ҳудудда экологик вазиятнинг ўзгариб туриши сабабли аҳоли орасида камқонлик, гипертония, пиелонефрит, холицистит ва бўқоқ касалликларининг мавжудлиги ҳар биримизни ташвишга солади. Мазкур касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳамшираларимиз тарғибот ишларини узлуксиз тарзда олиб бормоқдалар. ҚВП шароитига келадиган бўлсак, аҳолига газ ўтказилмаган, сув таъминоти талаб даражасида эмас. Муассасадаги хоналарни иситиш учун ёқилғи захираси мавжуд бўлиб, улар махсус қозонхоналар орқали таъмин этилади. Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган мақсадлар замирида инсон соғлиги ётар экан, бу борада ҳар биримиз фаолиятларимизни амалиётда қўллаган ҳолда, малака ва тажрибаларимизни ошириб, астойдил меҳнат қилишимиз зарур.

**Гулсим ДУИСЕБАЕВА, патронаж ҳамшира:**

– Фаолиятим давомида аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб борар эканман, халқнинг таббий савиясини ошириш, уларни тиббиётга бўлган ишончини оқлаш ниҳоятда мушкул. Кейинги пайтларда соҳага бўлган эътибор туфайли аҳоли билан чамбарчас ҳолда иш олиб борганлигимиз сабабли, касалликлар камайиб, уларнинг соғликларига бўлган эътиборлари ниҳоятда кучайди. Иш фаолиятимизга жорий этилган ҳамширалик жараёни ва ёзувининг кириб келиши аҳоли билан мукаммал ишлашимизда асосий ўринга эга бўлмоқда. Айниқса, Юртбошимиз Қарорларини аҳолига татбиқ этиш бўйича репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида фертил ёшдаги аёллар ўртасида ташвиқот ишларини кучайтириб, уларни тиббий кўрикдан ўтказиб, зарурий маслаҳат ва тавсияларимизни бериб келмоқдамиз. Шу нарсага амин бўлдимки, муассасада ўтириб ишлагандан кўра, аҳоли орасида кўпроқ бўлган афзал. Чунки касалликлар тўғрисидаги суҳбат ҳамда тушунтириш ишлари натижасида касбий маҳорат ҳамда тиббий билим дақиқа сайин ошиб бораверар экан. Демак, ҳамширалар қанчалик аҳоли билан ҳамкорликда ишлаб, фаолиятларига ижобий ёндошсаларгина олдимиздаги асосий вазифаларни бекаму кўст бажарган бўламиз.

## Юртбошимиз эътиборидан мамнунман

**Жингул ЖУСИПОВА, «Шалхар» қўрғони:**

– Ёшим 59 да. Беш фарзанднинг онасиман. Фарзандларим дунёга келиб, уларни вояга етказгунимча тиббиёт ходимларининг меҳнати катта бўлди. Кейинги вақтларда тиббиёт жуда яхши ривожланиб, аҳоли соғлигига бўлган эътибор кучайди. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, бундан 3 ой олдин пойтахтимиздан «Саломатлик» поезди келиб, ундаги мутахассислар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди. Куни кеча эса Навоий вилоятидан бир гуруҳ тиббиёт ходимлари УЗИ ва рентген аппаратида соғлигимизни назорат қилишди. Мен ва оила аъзоларимиз тиббий кўрикдан ўтгач, саломатлигимиздан хотиржам бўлдик. Аввало ана шундай шароитларни яратиб бераётган Президентимизга катта раҳмат.

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Томди тумани*

# КУЧ ВА ШИЖОАТ БИРЛИГИ МУҲИМ



**Ражаб ТОШТЕМИРОВ, «Керегетау» қишлоқ врачлик пункти мудири, умумий амалиёт шифокори:**

– 2005 йилда қад ростлаган 2-типдаги қишлоқ врачлик пунктимизда 1 нафар умумий амалиёт шифокори, 15 нафар ҳамшира 2375 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган муассасамизда аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Телефон, рация ва тез ёрдам машиналари ҳам бор. Муассасамизнинг 4 та филиали: Жириқ (20 км., 721 нафар аҳоли), Урусқудуқ (43 км., 412 нафар аҳоли), Бегимбет (50 км., 260 нафар аҳоли), Тошқудуқ (130 км., 171 нафар аҳоли) қўрғонлари бўлиб, у ерда яшовчи аҳолига штатда белгиланган ходимларимиз тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Шунингдек, қишлоқ врачлик пункти ёнида 10 ўринга мослашган қишлоқ участка шифохонамиз бўлиб, айни кунда таъмирлаш ишлари кетмоқда. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, чўл зоналарида истиқомат қилиш ва фаолият юритишнинг ўзи бўлмайди. Лекин, ҳар бир тиббиёт ходими ўзидаги куч ва шижоатни ҳис қилган ҳолда фаолият олиб борсагина, ҳар қандай тўсқинликни енга олади. Эътироф этишим керакки, жамоамизда 15 нафар ҳамшира фаолият юритар экан, уларнинг меҳнати жуда катта. Айниқса, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари ижросини амалда татбиқ этиш ва унинг мазмун-моҳиятини аҳоли онгига сингдиришда тарғибот ишларини фаоллик билан олиб бормоқдалар. Фертил ёшдаги аёллар ўртасида олиб борилаётган суҳбат, учрашув, шунингдек, соғлом авлодни баркамол ўстиришда «Керегетау» фуқаролар йиғини, 5 та мактаб ҳамда 1 та боғча раҳбарияти билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Айниқса, газ йўқлиги ва сув таъминоти талаб даражасида эмаслиги аҳолига бир мунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Лекин аҳолини ҳар уч кунда сув билан таъминлаш ишларини йўлга қўйганмиз. Яшаб турган ҳудудимиздан анча олис бўлган жойдан, 210 метр чуқурликдан махсус насос орқали сув чиқариб оламиз.

«Излаган имкон топади», деганларидек, ҳар қандай вазиятда ҳам шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, шижоат билан ишласаккина, унинг маҳсули бўлиши табиийдир.

**Ўрингул БЕРДИНОВА, «Керегетау» қўрғони, нафақахўр:**

– 9 нафар фарзандим бор. Барчаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Улар вояга етгунча жонимизга оро кирадиган шифокор ва ҳамширалар меҳнатидан баҳраманд бўлганмиз. Айниқса, кейинги пайтларда давлатимиз томонидан аҳоли соғлигига бўлган эътибор ортиб бормоқда. Ойнаи жаҳонда замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ва малакали кадрларни кўриб ҳавас қилар эдик. Эндиликда эса биз ҳам ана шундай давр талабидаги қишлоқ врачлик пунктларига эга бўлиб, бири-биридан билимдон ва чаққон врач ҳамда ҳамширалар меҳнатидан мамнун бўлмоқдамиз.





**Марямша АБЖАЛИЕВА, «Керегетау» қўрғони, нафақахўр:**

– Қишлоқ врачлик пунктидан олаётган тиббий ёрдамларимиз билан бир қаторда, Навоий вилоятидан келган бир гуруҳ тиббиёт ходимлари бизларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Айниқса, флюорография аппарати ёрдамида сил касаллиги бўйича аҳоли соғлигини назорат қилишди. Мен ва оила аъзоларим ҳам ушбу аппаратга тушдик ва саломатлигимиз яхши эканлигини эшитиб, кўнглимиз хотиржам бўлди.



**Рая БАЙЗАХОВА, «Керегетау» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси:**

– Ҳамширалик касбини танлаганим билан фахрланаман. Юртбошимизнинг ҳамширалар меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари бизни янада кўтаринки кайфият билан ишлашга ундамоқда. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан яратилаётган имкониятлар ҳам ишимиз кўламини кенгайтирмоқда. Бунинг баробарида эса «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасидаги узлуксиз таълим бўйича ўқув семинарларининг ташкил этилганлиги ва улардаги иштирокимиз билим ва тажрибаларимизни орттирмоқда. Айниқса патронаж ҳамшираларимизнинг хонадонларда бўлиб, олиб бораётган тарғибот ишлари туфайли соғлом онадан соғлом фарзандлар туғилиши ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш каби асосий масалалар бўйича аҳолининг тиббий савияси ошиб бормоқда. Асосий вазифамиз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш экан, бу борада астойдил меҳнат қилиб, касбий бурчимизни бажариш ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

2009 й. № 10-11

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · ADB Осиё тараққиёт банки · gain Озиқлантиришни Яхшилаш Глобал Альянси

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects

Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

# ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

**Кенесбек ПИРЖАНОВ, «Керизбулоқ» қишлоқ врачлик пункти мудири, умумий амалиёт шифокори:**

– Қишлоқ врачлик пунктимизда бир нафар умумий амалиёт шифокори, 5 нафар ҳамшира 1997 йилдан буён ҳудуддаги 1510 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Муассасамиз «Саломатлик-1» лойиҳаси томонидан лаборатория жиҳозлари, автоклав, қуритиш шкафи, дистиллятор ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Шунингдек, телефон, рация ва тез ёрдам машиналари ҳам бор. Ҳудудда иккита мактаб ва битта боғча бўлиб, у ердаги болалар соғлигини доимий назорат қилиб борамиз. Патронаж ҳамшираларимиз аҳоли билан мукаммал ишлаб, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича тарғибот ишларини кучайтириб юборганлар. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор қаратганмиз. Аҳоли орасида тарғибот ишларининг кучайтирилганлиги сабаб, ижтимоий ва турли касалликлар кўрсаткичи камайиб, ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Экологик вазият яхши бўлмаганлиги сабабли, аҳоли орасида 13 нафар сил, 1 нафар саратон, 10 нафар бўқоқ ва 3 нафар руҳий касалликлар мавжуд бўлиб, уларга ўз вақтида даво муолажаларини ўтказиб келмоқдамиз.

Албатта, чўл зонасида ишлаш ва истиқомат қилишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис, аҳоли саломатлигини тиклашда кўпроқ тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтирганмиз. Эндиликда бор шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, аҳолининг тиббий савиясини ошириш зарур, деб ўйлайман.





**Жумагул КАДИРОВА, доя:**

– Юртбошимиз томонидан чиқарилган Фармон ва Қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, репродуктив саломатлик ҳамда баркамол авлодни шакллантиришда аҳоли билан мунтазам ишлаб келмоқдамиз. Ҳудудимизда 235 нафар туғруқ ёшидаги аёллар бўлиб, уларни тиббий кўрикдан ўтказиб, зарурий маслаҳат ва тавсияларимизни бермоқдамиз.



**Гулнар БОЙМАХОНОВА, «Керизбулоқ» қўрғони, нафақахўр:**

– Томди туманидан 72 километр узоқликда бўлсакда, қўрғонимиздаги замонавий қишлоқ врачлик пункти ва унинг ичидаги янги тиббий ускуналарни кўриб, улардан фойдаланаётганлигимиздан жуда хурсандмиз. Айниқса, умумий амалиёт шифокори Кенесбек Пиржанов, ҳамширалар Ақболиқ Алимбаева, Жумагул Кадирова, Камшат Қидирбаеваларнинг оилаларимизда тез-тез бўлиб, турли касалликлар тўғрисида олиб бораётган суҳбатлари ва кўрсатаётган тиббий хизматлари улар меҳнатига бўлган ишончимизни орттириб бормоқда. Уларнинг бизга бераётган тавсия ва маслаҳатлари соғлигимизни янада тиклашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128




*Зарафшон тумани*

# МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОШМОҚДА



**Аваз КАРОМАТОВ, Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:**

– Бугунги давр талабидан келиб чиқадиган бўлсак, инсон саломатлигини сақлаш тиббиёт ходимлари олдига янада катта масъулият юкламоқда. Чунки, республика тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар бўлиб, замон талаби даражасида тиббиёт муассасалари қад кўтарди, қайта таъмирланиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ҳамда узлуксиз таълимни жорий қилиш масалалари изчиллик билан олиб борилмоқда. Кўплаб етук кадрлар эса хориж давлатларида бўлиб, тажриба кўламларини бойитиб қайтишмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳага оид ҳар бир меъёрий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги ётар экан, бу ўринда ҳар бир тиббиёт ходими виждонан ишлашини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зарафшон шаҳримизда 3 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, аҳолига малакали тиббиёт ходимлари сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида мазкур қишлоқ врачлик пунктларимиздаги 2666 нафар фертил ёшдаги аёллардан 2652 нафари, ногирон болаларнинг 100 фоизи (27 нафар), ўсмир ёшларнинг 100 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Ундан ташқари ушбу Қарорнинг амалиётдаги татбиқини жадаллаштириш мақсадида Бухоро давлат тиббиёт институти акушер-гинекология кафедраси мутахассислари Мастура Нуруллаева, УАШ кафедраси ходими Муҳаббат Байхоновалар ҳар ойда 2 марта қишлоқ врачлик пунктларимизга келиб, ходимларимизга амалий ёрдам бериш билан бир қаторда, аҳоли орасида суҳбатлар ўтказиб, керакли тавсия ва маслаҳатларни беришмоқда. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида репродуктив саломатлик бўйича ташкил этилган штабда иш олиб бораётган Аҳрор Ёрқулов ва унинг раҳбарлигидаги ишчи гуруҳларнинг ташрифи туфайли муассасаларимиздаги ишлар фаолияти янада ривожланиб бормоқда. Республика пульмонология ва фтизиатрия ихтисослаштирилган тиббиёт маркази директори, академик Абдулла Убайдуллаев ҳам қишлоқ врачлик пунктларимизда ҳамда аҳоли орасида суҳбатлар ўтказиб, ўзининг амалий ёрдамларини берди. Зарафшон шаҳрида жойлашган 3-тиббий-санитария қисми бошлиғи Ким Сергей Борисович билан ҳамкорликда ишлаб келаяпмиз. Шу ўринда уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. 2010 йилдаги режаларимиздан бири кўп тармоқли шифохона қуришдир.





**Зубайда ТАЙШАЕВА, «Янги Зарафшон» қишлоқ врачлик пункти дояси:**

– Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳар бир инсон олдига катта масъулият юклайди. Ҳудудимизда туғруқ ёшдаги аёллар 1056 нафарни ташкил этади. Шулардан 1047 нафарини тиббий кўрикдан ўтказдик, 552 нафарида экстрагенитал, 78 нафарида гинекологик касалликлар борлиги аниқланиб, уларга керакли тавсия ва муолажалар берилди. Шунингдек, 470 нафар аёл контрацептив воситалари билан қамраб олинди. Репродуктив саломатлик бўйича Зарафшон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулхумор Жўраева билан ҳамкорликда иш олиб бориб, аҳоли орасида давра суҳбати ва учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз.

# ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ



**Маншук УСЕМУРАДОВА, «Мурунтоу» кўрғони қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси:**

– Қишлоқ врачлик пунктимиз ҳудудида 4938 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар билан ишлаш, қалбига йўл топиш албатта қийин. Лекин, ҳар қандай вазиятда ҳам инсон қалбига озор етказмасдан иш олиб бориш мумкин. Тиббиётда деонтология деган ибора бўлиб, унда ходимнинг касбга бўлган меҳри, бемор билан мулоқоти асосий ўрин тутади. Демоқчиманки, патронаж ҳамширалар кўпроқ аҳоли билан ишлашади, шунинг учун улар хушмуомалали ва самимий бўлишлари керак. Иш фаолиятимда кўпроқ мана шундай фазилатларни қўллашга ҳаракат қиламан, бундан ташқари ўз устимда ишлаб, билимимни оширишга интиламан. Мана 5 йилдирки ҳудудимдаги 1500 нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдаман. Кейинги пайтларда иш вақтимизнинг кўп қисми оилаларга чиқиб ишлаш билан ўтмоқда. Айни кунда аҳоли орасида мавсумий тонзиллит, ангина ва сариқ касаллиги бошланаётганлиги сабабли хонадон, мактаб ва боғчаларда тез-тез бўлиб, суҳбатлар ўтказиб келаяпман. Чўл зонасида истиқомат қилиш албатта қийин, лекин инсон куч-қудрати ҳар нарсага қодир деганларидек, агар ҳаракат қилсак мақсадимизга эришамиз. Инсон саломатлигига масъул эканмиз, ҳар биримиз астойдил ишлаб, самарали натижаларни қўлга киритайлик.



**Гавҳар УСАРОВА, «Мурунтоу» кўрғони:**

– Ҳомиладорлик давримда қишлоқ врачлик пунктининг шифокор ва ҳамширалари соғлигимни доимий назорат қилиб туришди. Чунки, биринчи фарзандим бўлганлиги сабабли, бу борада кўп маълумотларга эга эмаслигимни англаб етдим. Хонадонимизга доимий келиб турадиган патронаж ҳамширамиз Нодирахоннинг ҳар бир маслаҳати, берган тавсиялари ҳомиладорлик давридаги қийинчиликларни енгишимда мадад бўлди. Бундан ташқари, қайнонам ва турмуш ўртоғимнинг ҳам мен ва бўлажак фарзандимга бўлган эътиборлари катта ёрдам берди. Фарзандим туғилгач, патронаж ҳамширалар кунора бизнинг соғлигимиздан хабардор бўлишди. Улар ҳамда қайнонамнинг қимматли маслаҳат ва кўрсатмалари билан боламни соғлом ўстириб келаяпман (8 ойлик). Эмлаш вақти келганда ҳамширалар куни ва вақтини белгилаб, қишлоқ врачлик пунктига боришимизни айтишади. Эмлашдан олдин болаларимизни шифокорлар кўригидан ўтказамиз. Эмлаш ҳамшираси фарзандимиз соғлиги яхши бўлгандан сўнггина ўз вазифасини бекаму кўст бажаради. Мазкур қишлоқ врачлик пунктида кўрсатилаётган тиббий хизматлардан жуда миннатдормиз.

**Насиба ҲАЛИЛОВА, «Мурунтоу» кўрғони:**

– Фарзандим Азизжон 3 ойлик бўлди. Ҳомиладорлик давримда қишлоқ врачлик пункти ҳамширалари доимий ҳолимдан хабардор бўлишарди. Эндиликда эса улар кунора фарзандим ва оила аъзоларимиз соғлигини назорат қилиб, керакли маслаҳатларини беришади ва турли касалликлар тўғрисида суҳбатлар ўтказишади. Айниқса, чақалоқни қандай парвариш қилиш, тўғри овқатлантириш бўйича кўрсатмалар тавсия қилишади. Яна бир нарсадан хурсандмизки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Дамас» русумли тез ёрдам машинаси берилди. Қишлоқ врачлик пунктида барча шароитлар мавжуд. Биз бундан жуда хурсандмиз.



**Биз Навоий вилоятининг чўл зонаси бўлган Учқудуқ ва Томди туманлари ҳамда Зарафшон шаҳридаги қишлоқ врачлик пунктларидаги фаолиятлар билан танишиб қайтар эканмиз, у ерларда халқимиз саломатлиги йўлида шижоат билан хизмат қилаётган шифокору ҳамширалар меҳнатига тан бердик. Шунингдек, аҳоли билан учрашиб, уларнинг эътирофли фикрларига қулоқ тутганимизда, ўз соғликларига бўлган эътибор ва тиббиётга ишончлари ортганлигининг гувоҳи бўлдик.**

**Шу фурсатдан фойдаланиб, республика тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлаб қоламиз.**

## *Фарғона вилояти*

***«Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларининг амалдаги ижроси юзасидан Фарғона вилоятининг Тошлоқ, Учкўприк ва Ўзбекистон туманларида бўлиб, у ердаги қишлоқ врачлик пунктлари ва оналик-болаликни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятлар билан яқиндан танишиб қайтдик. Аҳоли учун яратилаётган тиббий қулайликлар, кенг имкониятлар, ҳудудлардаги даволаш-профилактика тадбирларининг қандай йўлга қўйилганлиги, хусусан, умумий амалиёт врачларининг аҳоли орасида олиб бораётган мақсадли фаолиятлари, замонавий технологияларнинг ишлаш самарадорлиги эътиборимизни ўзига тортди.***

2009 й.
№ 10-11

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

# АҲОЛИ БИЛАН УЗВИЙ ҲАМКОРЛИК – ФАОЛИЯТНИНГ БОШ МАҚСАДИ

**Саидмаҳаммад АТАБАЛАЕВ,**
**«Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари қўшма бюроси директори:**

– Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурига биноан бирламчи тиббиёт бўғинини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини бойитиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, умумий амалиёт врачларини тайёрлаш ва замонавий қишлоқ врачлик пунктларини бунёд этишга оид вазифалар «Саломатлик» лойиҳаси доирасида янада мустаҳкамланди. Тез суръатда республикамиз бўйлаб давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича зарурий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, Фарғона вилоятида мазкур йўналишдаги фаолиятлар янада такомиллаштирилди. Ҳозирги кунда вилоят бўйича 293 та ҚВП мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси янгидан қуриш ва биноларни қайта таъмирлаш йўли билан бунёд этилган. «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан ҚВПларнинг барчаси замонавий текширув лабораторияси, физиотерапия, кўрув ва муолажа асбоб-ускуналари билан тўлиқ таъминланмоқда. Қувонарлиси, вилоятнинг энг чекка туманида ҳам ана шундай қулайликка эга намунали қишлоқ врачлик пунктларини учратиш мумкин. Том маънода, аҳолининг бирламчи тиббиётга бўлган талаб ва эҳтиёжи ортиб бормоқда. Жойларда профилактика-тарғибот ишлари кучайтирилмоқда. Бу албатта, умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамшираларининг фаолиятга изчил киришганлигидан далолат беради. Малакали кадрлар сафини кенгайтириш мақсадида вилоят ҚВП ва шаҳар оилавий поликлиникаларидан 50 нафар врач танлаб олиниб, Тошкент ҳамда Андижон давлат тиббиёт институтларининг 10 ойлик ўқув курсида таҳсил олишмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 30 апрелдаги «Бирламчи тиббий муассасалар фаолиятини тубдан ўзгартириш ҳақида»ги 130-сонли буйруғига асосан намунавий қишлоқ врачлик пунктларини танлаб олиш, уларнинг умумий аҳволи, хизмат кўрсатиш даражаси, кадрлар таъминоти бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси тузиб олинди. Шунга мувофиқ вилоят бўйича 10 та ҚВП Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига бириктириб берилди. Жумладан, Фурқат туманидаги «Капа», Ўзбекистон туманидаги «Қизилқақир», Олтиариқ туманидаги «Жарқўрғон» ҚВПларида мукаммал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Буларнинг барчаси «Саломатлик» лойиҳаси томонидан тўлиқ жиҳозланди. Шунингдек, «Дори-дармон» ОАЖ ташкилоти ва туман ҳокимликлари билан биргаликда ҚВПларнинг дори воситалари билан таъминланганлик ҳолати ўрганиб чиқилиб, уларда 2011 йилга қадар дорихона шахобчаларини ташкил этиш масаласи махсус режага киритилди ва бу жараён айрим ҳудудларда давом эттирилмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз, аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлаб, улар соғлигини ўз вақтида назорат қилиш, барча қулайликлардан унумли фойдаланган ҳолда бирламчи тиббиёт тизимини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишдир.

*Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ мажмуаси*

# СОҒЛОМ АВЛОДЛАР КАМОЛОТИ



***Бир неча йилдирки, мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги 96 та туғруқ муассасаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бундан кўзланган асосий мақсад оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашдир. Эндиликда мазкур технологиялар билан ишлаётган мутахассислар малакасини ошириш, уларда касбий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, болалар соғлигини яхшилашда ушбу технологиялардан самарали фойдаланиш вазифалари муҳим ўринга эга бўлмоқда.***

### Замонавий технологиянинг афзаллиги

– Натижаларимиз ижобий томонга ўзгарди. Чунки, лойиҳа доирасида туғруқ мажмуамиз имфузион насос, чақалоқларни интенсив даволаш учун реанимация столи, монитор, инкубатор, транспорт инкубатори, ўпкага сунъий ҳаво бериш аппаратлари билан тўлиқ жиҳозланди, – **дейди Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ мажмуаси мудири Набирахон Раҳмонова.** – Шу боис, ишнинг сифатли боришини таъминлашда малака оширган неанотологларимизнинг ўрни катта бўлмоқда. Улар ўз билимларини ҳамкасбларига ўргатиб, мазкур асбоб-ускуналардан эса ёрдамга муҳтож, туғруқ пайтида муаммоларга учраган болалар саломатлигини яхшилаш йўлида унумли фойдаланмоқдалар. Бевосита фаолиятимизга қайтадиган бўлсак, асосий ишларимиз Президентимиз қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 500-буйруғи, «Бехатар оналик» каби кўплаб дастурлар доирасида ташкил этилган. Ундан ташқари, доимий равишда акушер-гинеколог, неанотологларимиз касбий малакаларини ошириб, олган билимларини амалиётга татбиқ этмоқдалар.

Шунингдек, мажмуамизда «ҳамкорликдаги туғруқ» дастури режага киритилган бўлиб, унда ҳомиладор аёлнинг яқин оила аъзоси биргаликда мазкур жараёнда иштирок этади.



### «Ёш оналар мактаби»

– Туғруққа тайёрланаётган аёлларга руҳий далда бериш билан бирга, уларга чақалоқни она сути билан боқиш, парваришлаш ва соғлом униб-ўсиши учун керакли маслаҳатларни бериш мақсадида мажмуа таркибида «Ёш оналар мактаби» ташкил этилган, – **дейди туғруқ мажмуаси бош неанотологи Малоҳат Ғофурова.** – Бўлимда дори-дармонсиз туғруқни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Бола туғилган дақиқаданоқ она сути билан озиқлантирилади. Бу албатта, «Кўкрак сути билан боқиш» Миллий дастурининг бош мақсадларидан биридир. Шу боис бўлса керак, чақалоқларда учрайдиган турли касалликларнинг олди олинишига эришилмоқда. «Ёш оналар мактаби»да аёллар учун махсус соатлар ажратилган бўлиб, уларга туғруқ оралиғи, ихтиёрий жарроҳлик контрацепция (ИЖК)нинг самарали усуллари, она сутининг моҳияти, болани парваришлаш ва соғлом ўстириш каби мавзуларда маърузалар ўтказилади. Шу сабабли, ёш оналар олган билимларини бола ҳаёти давомида унумли қўллайдилар.



**СУРАТЛАРДА:** *оналик ва болаликни яхшилаш бўйича туғруқ мажмуасида олиб борилаётган фаолиятлардан лавҳалар.*

### Она бўлиш бахти

– Ҳозиргина биринчи фарзандим дунёга келди, – **дейди кўзларида севинч билан ёш она Озода Абидова.** – Ҳомиладорлик даврида оила шифокорimнинг доимий назоратида бўлиб, керакли тавсия ва маслаҳатларни олиб турдим. Туғруқ даврида эса «Ёш оналар мактаби» орқали кўп маълумотларга эга бўлдим. Хусусан, сунъий озуқалардан кўра бола учун она сутининг афзалликлари нимадан иборат эканлигини билиб олдим. Энг муҳими, туғруқолди қўрқувларим йўқолиб, турмуш ўртоғим ва дояларнинг берган далдалари туфайли фарзандимни қўлимга олдим. Қувончимга шерик бўлган бўлим дояси Инобат Жўрабоева, чақалоқлар ҳамшираси Дилфуза Каримоваларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Туғруқ мажмуасидаги замонавий технологиялар бола ҳаёти ва ривожланиши учун қанчалик муҳим ўрин тутаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Фарғона вилоятининг бошқа туманларида ҳам ана шундай ишлар кўламини кузатиш мумкин. Энг муҳими, Осиё тараққиёт банки томонидан берилган аппаратуралар тўхтаб қолмасдан, соат сайин ўз афзалликларини кўрсатмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
Осиё тараққиёт банки
ADB
gain
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси
2009 й.
№ 10-11

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

## Тошлоқ тумани

***Давлатимиз томонидан қишлоқ аҳолиси учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятларнинг амалдаги ифодасини кўриш мақсадида Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмасиги қарашли «Варзак» қишлоқ врачлик пунктида бўлдик. Муассаса эндигина таъмирдан чиққан бўлишига қарамай, аҳолининг доимий қатнови эътиборимизни ўзига тортди. Соғлиқ қадрини билган фуқаролар учун ҳар қандай вазиятда ҳам тиббий хизмат кўрсатишни мақсад қилиб олган тиббиёт ходимлари тезкорлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, ягона мақсад сари олға интилмоқдалар. Доимий иш жараёнидаги муассаса ходимларини суҳбатга тортдик.***

# БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ







**Манзура СОБИРОВА,
«Варзак» қишлоқ врачлик пункти мудираси, умумий амалиёт шифокори:**

– Бирламчи тиббиёт тизимининг ривожланиши кўпроқ умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширалари зиммасига улкан масъулият юклайди. Йил бошидан давлат дастури, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган Фармон ва Қарорлари асосида мақсадли режа тузиб олганмиз. Ҳудудимизда 7000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тиббий карталари тартибга солиниб, оила ҳисобида ҳар бири рўйхатга олинган. ҚВПда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан зарурий тиббий жиҳозлар келтирилди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан иссиқ сув таъминоти қувурлари янгиланди, бино томлари шиферланиб, қишки мавсумга тайёрлаб қўйилди. Энг муҳими, келтирилган тиббий жиҳозлардан аҳоли унумли ва керакли пайтда самарали фойдаланмоқда.

**Замира ЖАНИШЕВА,
«Варзак» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори:**

– Асли касбим терапевт. 2003 йилда Андижон давлат тиббиёт институтининг 10 ойлик ўқув курсида таҳсил олдим. Олдимиздаги муҳим вазифа – кўпроқ аҳоли билан ишлаш, турли касалликлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Қувонарли томони шундаки, фуқароларимиз ўз соғликларини назорат қилиш мақсадида тез-тез ҚВПмиз шифокорларига мурожаат қиладилар. Зарур бўлса, шу ернинг ўзида даво муолажаларини олишади. Аҳоли орасида бугун қон босимининг ошиши, аёлларда камқонлик, йод етишмовчилиги, қандли диабет ва юқумли касалликлар учраб турсада, мавжуд имкониятларимиз доирасида уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Чунки, оила шифокори кўпроқ вақтини аҳоли ўртасида ўтказиши керак. Бундан кўзланган мақсад, тиббиёт имкониятларини инсонлар соғлиги учун муҳимлигини тушунтиришдир.

**Тожихон КАРИМОВА,
«Варзак» қишлоқ врачлик пункти лаборанти:**

– ҚВПмиздаги тезкор лаборатория текширувлари аҳоли орасида учрайдиган турли касалликларни эрта аниқлаб, ташхислашда қўл келмоқда. Барча аппаратуралар «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан келтирилган ва инвентаризация қилинган. Ҳудуд фуқаролари доимий равишда умумий қон таҳлиллари, глюкоза миқдори бўйича тўлиқ маълумотлар олишиб, шифокорлар назоратида бўлиб туришади. Чунки, лаборатория текшируви – бирламчи касаллик белгиларини аниқлаб беради. Гувоҳи бўлганингиздек, ҳар бир хона режага мувофиқ мослаштирилган ва қайта таъмирдан чиқарилган. Беморлар узоғи яқин бўлганидан, касаллиги ҳақида дастлабки маълумотни олганидан мамнун бўлиб кетишади. Мазкур жиҳозлар янги бўлганлиги боис, вилоят ўқув марказида таҳсил олиб, сертификатга эга бўлдим. Иш жараёни барчамиздан тезкорлик ва ҳушёрликка эга бўлиш билан бирга, етарли билим ва тажрибани ҳам талаб этар экан.

**Ҳодия ДАВРОНОВА,
«Варзак» қишлоқ врачлик пункти физиотерапия ҳамшираси:**

– Даволанишнинг узлуксиз ва самарали босқичи – физиотерапия муолажалари билан мустаҳкамланади. Авваллари, оддий свеча олиш учун одамлар шаҳар поликлиника ва шифохоналарига боришарди. Эндиликда бу қулайлик уларга тобора яқинлашиб келди. Кундузги даволаниш учун барча имкониятлар яратилди. Кўп бора жамоат ташкилотлари, аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, ҚВПдаги шарт-шароитлар, тезкор текширувлар, даволаш имкони бўлган касалликларнинг даво муолажалари бўйича етарли маълумотлар беришга ҳаракат қиламиз. Мақсад – тиббиёт аҳолига эмас, балки аҳоли тиббиётга ишонч ва масъулият билан яқинлашиб боришига эришишдир. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари кучайиб бормоқда. Шу сабабли, физиотерапия хонамизда беморларнинг доимий қатнови мавжуд. Чунки, бу технологиялар аҳоли манфаатларига хизмат қилиши билан алоҳида характерга эга.



## Учкўприк тумани

# ИМКОНИЯТНИНГ ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧИ

***Дарҳақиқат, аҳоли учун яратилган бундай тиббий қулайликларни кўриб, беихтиёр қувонасан киши. Чунки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш баробарида бирламчи ёрдамга қаратилаётган эътибор даволаш-профилактика тадбирларини кучайтириб, соҳага янгидан-янги имконият эшикларини очмоқда. Учкўприк туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Деҳқонов» қишлоқ врачлик пункти 4-типда бунёд этилган бўлиб, намунавий шифо муассасаларидан бири ҳисобланади. Аҳоли сони кўп бўлишига қарамай, тиббий хизматни сифатли ва самарали йўлга қўйган ҚВП ходимлари режага мувофиқ давлат дастурлари, меъёрий қонун ҳужжатлари ва тегишли қўлланма, йўриқномалар асосида фаолият юритишмоқда. Туманнинг чекка ҳудудида жойлашган мазкур қишлоқ врачлик пункти давлат стандартларига асосан «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан тўлиқ таъминланган.***

ҚВП биносига кирганимизда эмлаш жараёни давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Муолажа хонасидан чиққан ёш она-болани суҳбатга тортамиз.

– *Боламни режага мувофиқ эмлашди. Оила шифокоримнинг маслаҳат ва тавсиялари билан доимий назорат остидамиз. Оналик масъулияти қанчалик муҳим эканлигини ҳис этиб турибман. Шу боис, фарзандим билан яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланяпмиз,* – **дейди Садоқат Исломова.**

Республика соғлиқни сақлаш тизимининг устувор вазифаларидан бири аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кучайтириб, даволаш-профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини оширишдир. 2000 йилда қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган «Деҳқонов» қишлоқ врачлик пункти 11 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. «Саломатлик-1 ва 2» лойиҳаси томонидан келтирилган лаборатория асбоб-ускуналари, қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар, отоскоп, офтальмоскоп, ЭКГ, тонометр сингари тиббий анжомлар тўплами аҳолига катта қулайликлар туғдириб, ишнинг сифат-самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

– *Оддийгина биохимия таҳлилларидан тортиб, тор мутахассислар кўригигача бўлган жараён шаҳар марказидаги шифохоналарда бажариларди,* – **дейди биз билан суҳбатда ҚВП мудираси Зиёдахон Жўрахўжаева.** – *Бугунги кунда бу муаммолар узил-кесил ҳал этилди. Кўп сонли аҳолига 5 нафар УАШ, 22 нафар ҳамшира, стоматолог, акушер-гинеколог сингари мутахассислар хизмат кўрсатади. Энг катта ютуғимиз, аҳолига тарқатиб юборилган тиббий карталар йиғиб олиниб, оила бошлиғи номи билан алоҳида оилавий карталар ташкил этилди ва рақамланиб қўйилди.*

Муассасада биринчи ёрдам, ДОТС дастури бўйича рўйхатга олинган беморларга дори-дармон таъминоти, жон бошига молиялаштириш тизими ҳам режага мувофиқ тўғри йўлга қўйилган. Баъзан узоқ ҳудуддаги аҳоли билан яқин муносабат ўрнатиш учун шошилинч автоуловга бўлган эҳтиёж сезилиб туради. Ундан ташқари, тиббий асбоб-анжомлар сифатли сақланиши, муолажа амалиётларини



бажариш ва бошқа зарурий ҳолатларда иссиқ сув таъминоти ҳам ўта муҳим эканлигини унутмаслик лозим. Ҳомийлар ва туман ҳокимлигининг бевосита кўмаги ҳамда кенг жамоатчилик эътибори мазкур йўналишдаги муаммолар ечимини ҳал этишда катта ташаббус кўрсатади, деган умиддамиз.

*Учкўприк тумани*

# ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИБ




***Учкўприк туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Янгиқишлоқ» қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ислохотларининг дастлабки босқичларида, яъни 1998 йилда илк фаолиятини бошлаган. Мазкур муассаса тумандаги намунавий шифо масканларидан бири ҳисобланади.***





### Аҳоли орасидаги фаолият

Бирламчи тиббиёт тизимининг асосий йўналишларидан бири – аҳоли билан узвий ҳамкорликда ишлаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволи, тиббий талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, соғликларига доир муаммоларни бартараф этишдан иборат. ҚВП ходимлари мазкур вазифаларни режага мувофиқ бажаришмоқда. Муассасадаги оила шифокорлари ва патронаж ҳамширалар оилаларга чиқишиб, касалликлар бўйича тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари, зарурий ҳолларда тиббий муолажалар олиб бориш билан банд эканликларининг гувоҳи бўлдик. Атрофи гул-кўчатлару боғроғлардан иборат пешайвонли қишлоқ врачлик пункти тажриба ва малака борасида етарли имкониятларга эга бўлмоқда. Энг муҳими, халқнинг ишончли ҳамкорига айланишмоқда. ҚВП мудири Шарифа Юлдашеванинг айтишича, ҳар бир фуқаро ўз соғлигига масъул ва эътиборли бўлмоқда.

### Ҳомиладор аёл соғлигига барча масъул

– Мазкур йўналишда маҳалладаги ҳар бир ҳомиладор аёл рўйхатга олиниб, унинг соғлиги ва туғруққача бўлган жараён доимий назорат остига олинади. Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг оила аъзолари, яъни турмуш ўртоғи, қайнона ва қайнотаси ҳам кечаётган ушбу жараёнлардан бевосита бохабар бўлиб туриши керак, – **дейди ҚВП дояси Шарифа Юлдашева.** – Аёлнинг соғлиги, тиббий ва физиологик ўзгаришлари аниқланиб, унинг оила аъзосига маълум қилинади ҳамда керакли тавсиялар берилади. Ундан ташқари, ихтиёрий жарроҳлик контрацепция (ИЖК)-си бўйича ҳам аёллар ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Характерли жиҳати, ушбу воситалар аёлларга бепул тарқатилади.

### Тиббий кўрик – тиббий зарурат омили

Касалликнинг дастлабки белгилари намоён бўлмасдан, унинг олдини олиш ва керакли чораларни қўллаш халқаро тажрибада самарали усул ҳисобланади. ҚВП фаолиятида бу тажриба кундалик вазифага айланган. Соҳа ходимларининг аҳоли орасида амалга оширган тарғибот ишлари боис, бугун фуқароларнинг аксарияти ўз хоҳиши билан тиббий кўрик ва шифокор назоратидан ўтмоқда. Содда қилиб айтганда, оила шифокори қабулидан тортиб, физиотерапия муолажаларигача бўлган жараён узлуксизлик асосида давом эттирилмоқда. Лаборатория текшируви учун «Саломатлик-1» лойиҳаси томонидан берилган асбоб-ускуналар эса қисқа вақт ичида ўз самарадорлигини кўрсатди. Кундузги стационар хоналари қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, физиотерапия хонаси эса керакли тиббий аппаратуралар билан тўлиқ таъминланган. Ўз соғлигида ўзгариш борлигини сезган фуқаро борки, дарҳол ҚВП томон ошиқади. Биринчи ёрдам учун ажратилган дори воситаларидан унумли фойдаланади. Бепул текширувлардан ўтиб, даволаниши учун зарур бўлган шифокор маслаҳатларини олади. Бу имкониятлардан албатта, халқнинг ишончи ва эътибори ортиб бормоқда.

### Миннатдорлик туйғуси

– Ёшим 70 дан ошди. Юрак ишемик касаллиги, полиартрит ва бел чурраси билан даволаниб келаман. Яхшиямки, бахтимга ана шундай шифокорлар бор. Доим ҳолимдан хабар олиб, уй шароитида ЭКГ қилишади, қон босимимни ўлчаб, доимий назоратларига олиб туришади, – **дейди мамнунлик билан Тошкентлигузар қишлоғидан Раҳмонжон Абдуқодиров.**

*Ўзбекистон тумани*

# КАСБГА МЕҲР ВА ИШТИЁҚ РУҲИ БИЛАН

***2002 йилда бунёд этилган, юридик мақомга эга Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Элаш» қишлоқ врачлик пункти 4-типда 17837 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бинонинг ташқи ва ички кўриниши, хоналари кенг ва шинам бўлиб, тиббиёт ходимлари ҳамда аҳоли учун катта қулайликларга эга.***

### Оилавий карталарнинг сақланиш аҳволи

Кўриб турганингиздек, ҳар бир оила бошлиғининг исми-шарифи киритилган папкада бутун оила аъзоларининг тиббий карталари ўрин олган. Агарда сиз ҚВПга мурожаат қилсангиз, махсус рақамланган папкалар орасидан оилангиз учун тегишли бўлган картани топиш осонроқ бўлади. Авваллари қабул бўлимида карталар бу тартибда сақланмаган. Ишлаб чиқилган махсус дастурлар ва йўриқномаларга асосан, қолаверса, халқаро тажриба боис, ана шундай тартиблаш тизими амалиётга жорий этилди.

### Жон бошига молиялаштириш ҳолати

– «Саломатлик-2» лойиҳасининг асосий йўналишларидан бири аҳолини жон бошига молиялаштиришдир, – **дейди ҚВП мудири Абдумуталип Исроилов.** – Бизда бу ҳолат жон бошига 8500 сўмдан тўғри келади. Мазкур жараёнларни тўғри мувофиқлаштириш учун менежер фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, у бевосита ҳисоб-китоб ишларини тўғри назорат қилиб боради. Чунки, туманимизда энг кўп аҳоли бўлганлиги боис, бизга УАЗ русумли автоулов ажратилган. Ҳар бир ишни самарали бажариш ва такомиллаштириш учун бундай қулайликлар зарурий ҳисобланади.

### Малакали кадрлар – давр талаби

– ҚВПда бугунги кунда 6 нафар УАШ, 22 нафар патронаж ҳамшира ва бошқа шифокорлар фаолият юритади. Умумий қабул йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2008 йилда жами 19 минг аҳоли мурожаат қилган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилнинг 10 ойи бўйича 25 минг нафарни ташкил этади, – **дейди суҳбат чоғида умумий амалиёт шифокори Осиёхон Назирова.** – Доимий рўйхатга турувчилар сони 1,5-2 фоизга камайган. Бир сўз билан айтганда аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи ва эътибори ортган. Лекин шунга қарамай, тиббиёт ходимлари узлуксиз таълимда бўлиб, ўз устларида тинимсиз ишлаб келмоқдалар.

Кузатишларимиз натижасида шу нарса аниқ бўлдики, ҚВП тиббиёт ходимлари аксарият вақтларини аҳоли орасида ўтказишар экан. Тарғибот ва ташвиқотнинг таъсирчан кучи туфайли оғир асоратларга олиб келувчи касалликлар рўйхати деярли қайд этилмаган.

### Дорихона – туну кун хизматда

Лойиҳа режасига мувофиқ бинода дорихонанинг ташкил этилганлиги аҳоли учун айни муддао бўлди. Дори воситаларининг нархи шаҳар дорихоналаридан нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Бу қулайликдан аҳоли мамнун.

**ҚВПга келган аҳоли билан суҳбат чоғида шу нарсага амин бўлдикки, физиотерапия хонаси тиббий даволаш жиҳозлари билан тўлиқ таъминланса, барча камчиликлар рисоладагидек самарали давом этаверади.**












## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ТАНИШАСИЗ:

**Навоий вилояти**

*Навоий вилояти Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли «Даугыстау» қишлоқ врачлик пунктидаги фаолиятлар ҳамда аҳолининг фикрлари, таклиф ва истаклари тўғрисидаги мақолалар ёритиб борилади.*

**Фарғона вилояти**

*Фарғона вилояти Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Арабмозор» қишлоқ врачлик пунктининг аҳоли саломатлиги йўлида олиб бораётган кенг қамровли фаолиятлари билан яқиндан танишасиз.*



*Саҳифаларни кузатиб боринг!*

2009 й.
№ 10-11

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
Осиё тараққиёт банки
Озиқлантириш Яхшилаш Глобал Алянси

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»




*Узлуксиз таълим*

***Жорий йилнинг 19-24 октябрь кунлари Бухоро вилоятида "Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш" лойиҳаси асосида "Беш ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланиши" мавзусида узлуксиз касбий таълим йўналишида вилоятнинг шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бош ҳамширалари, Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл ва Пешку тиббиёт коллежлари ўқитувчилари, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш марказининг вилоят бўлими ўқитувчилари бўлиб ўтган ўқув машғулотларида қатнашдилар.***

# БИЛИМ ВА АМАЛИЙ КЎНИКМА БИРЛИГИ

– Мен ушбу ўқув машғулотларидан катта таассурот ва янги билимлар олдим, – деди Жондор туман тиббиёт бирлашмаси бош фельдшери А. Боймуродов. – Айниқса ёш болаларнинг хронологик ёшини аниқлаш, вазн, бўй индексини тўғри ҳисоблаш каби маълумотлар жуда қизиқарли бўлди.

Когон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Геофизика" қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Мамагул Абдуллаева:

– Айниқса ўқув жараёнида устозларимнинг дарс ўтишлари қизиқарли ва мукаммал бўлди, ҳар бир олинган билимни қайта боғланиш орқали қабул қилганимизни сўраб бордилар, бу эса билимларимиз янада мустаҳкамланиб, такомиллашишига омил бўлади. Айниқса, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси Маъмура Сафоева, Озода Назарова ва Саодат Маъруповнанинг берган дарслари, ўгитлари бизнинг ёдимиздан чиқмайди ва албатта ушбу семинарларни ўзимизнинг туманимиз миқёсида олиб борганимизда дарс бериш тамойилларига аҳамият қаратамиз. Фурсатдан фойдаланиб устозларимизни яқинлашиб келаётган "Тиббиёт ходимлари куни" муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман ва ишларига ривож, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Бухоро вилоят филиали ўқитувчилари Назокат Ражабова ва Гулойим Асадова ҳам "Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш" лойиҳаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этилаётган ўқув машғулотларида мунтазам қатнашиб, олган билимларини малака оширишга келган ўрта тиббиёт ходимларига ҳам ўргатаётганликларини эътироф этиб ўтишди. Айниқса, ёш оналарга овқатлантириш борасида бериладиган маслаҳатлар ҳам айни дамда зарур ва долзарб ҳисобланади. Беш ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланишини эгри чизиқларда белгилаб бориш орқали уларнинг ўсишини кузатиш, муаммолар бор-йўқлигини аниқлаш ва чора-тадбирлар қўллаш мумкин. Боланинг вазни ёшига нисбатан камми ёки аксинча ёшига нисбатан вазни ва бўйининг узунлиги белгиланган меъёрдан ортиқми, ҳар иккала ҳолатда ҳам қандай тиббий ёрдам кўрсатиш мумкин ва қандай парвариш зарур бўлади?



Ушбу ўтказилган семинарлар, ўқув машғулоти орқали юқоридаги саволларга тўлиқ жавоб олдик ва албатта амалиётда қўллаш орқали фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол, маънан етук ҳамда жисмонан соғлом бўлишида ўз ҳиссамизни қўшамиз, дейди бир гуруҳ ҳамширалар.

**Хуршида ЎРИНБОЕВА,**
**Ғиждувон туман кўп тармоқли поликлиника ҳамшираси.**

*Аҳоли кенг қатлами учун*

# КАМҚОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

***Камқонлик – бу қонда гемоглобин миқдорининг камайиб кетиши билан кечадиган касалликдир. Гемоглобин тананинг барча аъзоларини кислород билан таъминлайди ва унинг асосини темир моддаси ташкил этади. Организмда темир моддасининг етишмовчилиги гемоглобин ҳосил бўлишини камайтиради.***

**Камқонликнинг юзага келиш сабаблари**

Организмда етарли миқдорда темир моддасининг етишмаслиги, темир моддасининг яхши сўрилмаслиги, аёлларда ҳайз қонининг кўп миқдорда, яъни 3-4 кундан ортиқ кетиши, ошқозон-ичакнинг яра касалликлари, гижжа касалликлари, тез-тез ҳомиладор бўлиш.

Озиқ моддаларга, шу жумладан уларнинг таркибидаги темир моддасига бўлган эҳтиёж ҳомиладор аёлларда ва болаларнинг ўсиш даврида юқори бўлади. Шунинг учун улар камқонлик касаллигига кўпроқ чалинадилар.

**Касаллик аломатлари**

Камқувватлик ва тез чарчаш, бош айланиши, кўз олди қоронғилашуви, тери рангининг оқариши, иштаҳасизлик, ҳансираш ва юракнинг тез уриши, тирноқларнинг синувчан ва унинг устига оқ доғларнинг пайдо бўлиши, сочлар тўкилиши, кесак, оҳакни истеъмол қилиш, бўёқ ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳидини ёқтириш, оғиз бурчаги бичилиши.

**Асоратлари**

Организмнинг юқумли касалликларга қарши курашувчанлик хусусияти пасаяди, ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг ўсиши секинлашади, бола чала ёки кичик вазн билан туғилиши мумкин, камқонлик ёш болаларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний ривожланишини орқада қолдиради.

Темир етишмовчилик камқонлигининг олдини олиш учун бир кунда албатта 70-80 г гўшт ёки 100 г балиқ истеъмол қилинг. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, жигар, тил, балиқ, олма, анор оқсил ва темир моддасининг асосий манбаи ҳисобланади. Овқатингизда гўшт маҳсулотлари етарли бўлмаса, мош, нўхат, оқ ва қизил ловиялардан фойдаланинг. Уларда оқсил ва темир моддаси мавжуд. Қора майиз, ўрик қоқи, писта, бодом ёки ёнғоқларни кўпроқ истеъмол қилинг.

**Темир моддасининг ичакдан сўрилишини кучайтирадиган омиллар**

Таомларни сабзавот ва кўкатлардан тайёрланган салатлар билан истеъмол қилинг, улардаги аскорбин кислотаси (С витамини) таом таркибидаги темирнинг сўрилишига ёрдам беради. Овқатланиб бўлгандан кейин ҳўл мева ва мева шарбатларидан истеъмол қилинг. Қатиқ ёки айрон таркибидаги сут кислотаси ҳам темирнинг сўрилишига ёрдам беради, лекин овқатланиб бўлгандан кейин сут ичманг. У темир сўрилишини сусайтиради. Чойни овқатланиш вақтида эмас, балки овқатлангандан 30-60 дақиқа ўтгандан кейин ичинг. Ундаги танин моддаси ҳам темирнинг сўрилишини сусайтиради. Гижжа касалликларини ўз вақтида даволатинг. Ҳомиладорликлар орасидаги давр 3 йилдан кам бўлмаслигига ҳаракат қилинг. Чунки, бу аёл соғлиғини тиклаб олишида зарур муддат ҳисобланади.

# ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ЙОД НИМА УЧУН КЕРАК?

***Йод моддаси қалқонсимон безнинг нормал фаолияти учун зарур бўладиган кимёвий модда ҳисобланади. Йод моддаси организмга кунига керакли (100-150 мкг) миқдорда тушиб турмаслиги оқибатида, қалқонсимон без томонидан организм учун зарур бўлган гормонларнинг ишлаб чиқарилиши бузилади ва бу бўқоқ касаллигига олиб келади. Болаларга эса йодга бўлган кундалик эҳтиёж 50-90 мкг деб белгиланган.***

**Йод етишмаслик ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари:**

** тупроқ ва сув таркибида йод миқдорининг камлиги;*

** кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан йод моддасининг организмга етарли даражада тушмаслиги;*

** айрим ошқозон-ичак касалликлари туфайли йод моддасининг организмга яхши сўрилмаслиги.*

**Йод етишмаслиги ҳолларининг белгилари ва аломатлари:**

**Аёлларда:**

** ҳайз даврининг ўзгариши;*

** ҳомиладорлик даврининг оғир кечиши;*

** камқонликнинг ривожланиши;*

** бепуштлик.*

**Болаларда «Туғма гипотиреоз»**

** бола вазнининг оғирроқ бўлиб туғилиши;*

** оёқ, қўл ва юзда шиш бўлиши;*

** йиғлаганда паст ва дағал товуш чиқариши;*

** йиғлоқилик;*

** кўкрак сўриш жараёнининг сустлиги;*

** паканалик;*

** ақлий заифлик;*

** ҳаракат бузилиши;*

** атрофга нисбатан лоқайдлик;*

** юрак хасталиги.*

**Катталарда:**

** қалқонсимон безнинг катталашиши;*

** уйқучанлик;*

** нафас сиқиши;*

** соч тўкилиши;*

** дармонсизлик;*

** терининг қуруқ бўлиши;*

** юрак хасталиклари;*

** ақлий ва жинсий заифлик;*

** қабзиятга мойиллик ҳолатлари кузатилади.*

**Йод танқислигининг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?**

*1. Овқатга доимо йодланган туз солишни одат қилинг.*

*2. Таркибида йод моддасини сақловчи овқат маҳсулотларидан мунтазам истеъмол қилинг.*

*3. Йодланган ош тузини уч ой муддатда ишлатинг. Чунки, туз таркибидаги йод моддаси ушбу муддатгача яхши сақланади.*

**Мақолалар «Саломатлик» лойиҳаси мутахассислари томонидан тайёрланди.**

*Обуна – 2010*



***Ҳурматли муштарийлар!***
***«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2010 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.***
**Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**
**Нашр индекси: 128.**

**Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепление здоровья женщин и детей»**
**Исполнительный директор Ж. А. Жабриев.**
**100007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, ТашИУВ, административный корпус, 3-й этаж.**
**Контактные телефоны: 268-08-19, 267-73-47.**
**Факс 268-25-39,**
**E-mail: office @ jpib.uz.com.uz.**

**Вилоятлардаги лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА ва Намоз ТОЛИПОВ тайёрлади.**
**Суратлар муаллифи И. СОАТОВА, Н. ТОЛИПОВ.**

*Постановление и исполнение*

# ДОСТИЖЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ГЕМАТОЛОГИИ И ТРАНСФУЗИОЛОГИИ УЗБЕКИСТАНА

**(Окончание. Начало на 4-й стр.)**

разовательного уровня, оказание психологической и социальной помощи детям, больным гемофилией", спонсируемый фондом гемофилии Novo Nordisc. Известно, что на сегодняшний день, к сожалению, во многих странах мира встречаются случаи заболевания людей гемофилией. И, естественно, гематологи пытаются сделать все возможное, чтобы вылечить больных.

Заметим, что за последние годы значительно улучшилась материально-техническая база Центра гемофилии и депрессии кроветворной системы, созданы все необходимые условия для больных, уделено внимание качеству диагностической и лечебной помощи. Радует то, что благодаря проводимым мероприятиям, снижается процент осложнений и инвалидизации больных. Однако, где есть плюсы, там бывают и свои минусы. Большой проблемой на сегодняшний день остается обеспечение больных специализированными препаратами, потребность в которых удовлетворяется всего на 20-30%. В этом направлении ведется определенная работа, которая взаимосвязана с проблемой донорства, материально-техническим оснащением центров крови. В инвестиционную программу бюджета республики (2010-2011 гг.) включено строительство онкогематологического корпуса на 120 коек (взрослые и детские по 60 коек) при клинике НИИ гематологии и переливания крови. Они будут оснащены современным оборудованием и отвечать всем требованиям онкогематологических клиник.

**ДЛЯ ОКАЗАНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ЛЕЧЕНИЯ**

Своевременное выявление болезни играет важную роль в качественном лечении. В клинике института активно функционируют 260 гематологических коек. За 2008 год в клинике пролечено 5765 больных, из них – 3901 взрослых и 1532 детей. За 9 месяцев 2009 года в клинике пролечено 4403 больных, из них детей – 1330. План по пролеченным больным перевыполнен и составил 128,9%, а по койкодням 100,1%. Консультативная помощь больным осуществляется в поликлиническом отделении. За 2008 год проконсультировано 36 205 больных, из них 14 179 детей. Выполнение плана составило 109,7%, в том числе детей – 101,3%. За 9 месяцев 2009 года проконсультировано 29 051 больных, из них 9 685 детей.

В целях улучшения оказания специализированной гематологической помощи больным в институте проведена реструктуризация и передислокация отделений клиники, произведен ремонт в 3 клинических отделениях, в остальных намечается завершение ремонтных работ до конца года, что позволяет значительно улучшить условия пребывания больных в стационаре. Поступление больных в клинику осуществляется по направлениям лечебно-профилактических учреждений (ЛПУ), что обеспечивает доступность гематологической помощи для больных из всех регионов республики.

**НА ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СЛУЖБЫ КРОВИ**

Кровь, являясь источником жизни, важна для нормального функционирования организма всего живого существа. Каждый день в мире происходят различные события, в результате которых возникает потребность в крови. И тут на помощь приходят люди, которые отдают частичку себя тем, кто нуждается в ней, это – доноры. Отдавая кровь, они ничего не просят взамен, но для них важно осознание того, что их дар, возможно, спас или спасет чью-то жизнь.

Одним из значительных шагов в совершенствовании службы крови является реализация проекта АБР "Укрепление здоровья женщин и детей", в котором предусмотрены реструктуризация и техническое переоружение всей службы крови республики в соответствии с современными мировыми стандартами.

Правительством нашей республики подписано заемное соглашение с Азиатским банком развития на создание Национальной программы по безопасности крови и оснащению оборудованием шести региональных центров. Согласно условиям заемного соглашения, правительство обеспечит ремонт и подготовку зданий учреждений службы крови в соответствии с современными международными стандартами, закупку автотранспортных средств (для выездных бригад службы крови и транспортировки крови в лечебные учреждения), а также бюджет на текущие расходы для работы центров крови.

В рамках реализации проекта "Укрепление здоровья женщин и детей" с участием Азиатского банка развития (АБР) и обеспечения безопасной кровью населения в областях проведена централизация лабораторных исследований на гемотрансмиссивные инфекции. Осуществляется постепенный переход заготовки крови в выездных условиях, развивая безвозмездное регулярное донорство среди населения.

Проведены ремонтно-реконструктивные работы учреждений службы крови. В настоящее время завершены ремонтно-реконструктивные работы в Республиканском, Кашкадарьинском и Самаркандском региональных центрах крови. В Бухарском региональном центре и региональном центре крови Республики Каракалпакстан ремонтно-реконструктивные работы находятся в стадии завершения. Проводятся укрепление материально-технической базы центров крови и поэтапное оснащение оборудованием для заготовки и переработки крови, закуплены одноразовые системы и материалы для ее заготовки. Многие лечебно-профилактические учреждения республики обеспечены холодильниками и морозильниками для хранения компонентов и препаратов крови.

**ИСТОЧНИК, ДАРУЮЩИЙ ЖИЗНЬ**

Проведенный анализ основных показателей работы службы крови за последние 5 лет показал снижение объема заготовки крови в республике в 1,7 раза, а по областям в 2 раза. Анализ динамики донорства и кроводачи показывает, что в 2008 году было зарегистрировано всего 4 кроводачи на 1000 населения. В настоящее время основную часть доноров крови составляют доноры, представленные из ЛПУ, – доноры-родственники. Доноры из числа родственников больных ограничиваются однократной сдачей крови.

С целью развития безвозмездного донорства среди населения республики разработана и утверждена программа мероприятий по развитию безвозмездного донорства, согласованная с 14 министерствами, общественными организациями и фондами. Несмотря на имеющуюся утвержденную Кабинетом Министров Республики Узбекистан "Программу мероприятий по развитию безвозмездного донорства в Республике Узбекистан", проблемы с донорством остаются. По выполнению этих программ значительная работа проведена в городе Ташкенте. Но следует отметить и то, что в этом деле необходим личный пример медицинских работников ЛПУ, преподавательского состава, учащихся медицинских вузов и колледжей.

***Несомненно, работы по пропаганде безвозмездного донорства среди населения продолжаются по всем регионам республики, и вопрос регулярного безвозмездного донорства найдет свое решение. Жизнь непредсказуема, и в любой момент может случиться так, что именно тебе или близкому тебе человеку понадобится помощь донора. Так протянем же руку помощи нуждающимся в ней людям. Создание современных центров для лечения больных с заболеваниями системы крови, реструктуризация и техническое перевооружение службы крови республики в соответствии с современными мировыми стандартами обязательно поспособствуют улучшению оказания стабильной гематологической и трансфузиологической помощи населению нашей республики.***

**Хамид КАРИМОВ,**
**профессор,**
**директор НИИ гематологии**
**и переливания крови Министерства здравоохранения**
**Республики Узбекистан.**

*Кун мавзуси*

# «БИЗ БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК ТАРАФДОРИМИЗ. СИЗЧИ?!»

***Бугунги жаҳон глобаллашув даврида ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва аҳоли орасида турли тарғибот-ташвиқот йўлларини йўлаб топиш энг муҳим вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, беғараз донорлик, қон ва қон компонентлари билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш, табиийки, бир давлатнинггина эмас, балки дунё мамлакатларининг ҳам жиддий хавотирига сабаб бўлмоқда. Айниқса, қон орқали юқувчи кўплаб хасталикларнинг камайишига қарши зарурий чораларни кўриш мақсадида тоза донор қонига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши – бу жараён қанчалик тезкор ва ўта долзарб эканлигини кўрсатади. Шу боис бўлса керак, мамлакатимиз ҳудудида беғараз донорлик сафини кенгайтириш, қон – бу ҳаётбахш тамойиллар рамзи сифатида донорлик акцияларининг ўтказилиши кенг жамоатчилик эътиборида бўлиб келмоқда. Нимага айнан сарлавҳамизни «Биз беғараз донорлик тарафдоримиз. Сизчи?» дея номладик. Чунки, турли таъсир кучига эга шиор ва даъватларнинг амалиётда қўлланилиши кишилар эътиборини тортибгина қолмай, балки уларни ягона мақсад сари бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади. Нимага донорлик сафини кенгайтиришга бу қадар эътибор кучайтирилди? Талаб ва эҳтиёж майдонининг кенглиги беморлар ўртасида донор қонига бўлган хоҳишистакни оширишни табиий. Нега бугунги давр бу жараёнда барчамиз фаол ва бирга ҳаракат қилишимизни тақозо этмоқда? Мулоҳазаларимизни мутахассислар фикри билан давом эттиришни лозим топдик.***



## *Давлат эътиборидаги бош масала*

– Дунё тажрибаси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, хавфсиз қон препаратларини таъминлаш учун соғлом одамлар орасида беғараз донорлик сафини кенгайтириш муҳим омил ҳисобланади, – **дейди суҳбатимиз аввалида Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори Ҳамид КАРИМОВ.** – Ҳақиқатан ҳам аҳолини бадалсиз донорликка жалб этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Бу масала нафақат тиббиёт ходимлари орасида, балки давлатимиз томонидан ҳам доимий эътиборга олингани бежиз эмас. Хабаримиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида урғу берилган. Жумладан, тиббиёт муассасаларида қон, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш, сақлаш ва хавфсизлик ҳамда аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш стандартлари риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча тиббий муолажаларни кўп маротаба қўлланилишини тақиқланган буюм ҳамда асбоблар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда бир маротабалик тиббий буюм ва асбоблардан фойдаланишга ўтказиш, 2008-2010 йилларда гематология ва қон қуйиш институтини, қон қуйиш станцияларини, ОИТС марказларини замонавий лаборатория ва бошқа жиҳозлар билан бюджет маблағлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари грантларини жалб этиш ҳисобидан бўйича кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган. Шунингдек, «Қон ва

**(Давоми 14-бетда).**

*Кун мавзуси*

# «БИЗ БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК ТАРАФДОРИМИЗ. СИЗЧИ?!»

**(Давоми. Боши 13-бетда).**

унинг таркибий қисмлари донорлиги тиуғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг қўшма қарорлари асосида «Қон инсонлар хизматида» акциялари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Ундан ташқари, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда беғараз донорликни тарғиб қилиш бўйича махсус дастурий режалар белгилаб олинган. Мазкур йўналишда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш Дастури» ҳам бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириб, фаолиятларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили ўтказилаётган илмий-амалий анжуман, Съезд ва Конгрессларнинг мақсад-моҳияти ҳам қон касалликларини самарали даволаш, бемор ҳаётини хавфсиз донор қони билан таъминлаш ва бедалсиз донорлик муаммоларини ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Албатта, беғараз донорлик сафини кенгайтириш учун кенг жамоатчилик билан ишлаш ижобий натижа беради. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳар йили «Донорлар куни» байрам сифатида нишонланади. Тадбир доирасида акциялар ўтказиш эса яхши анъанага айланган. Мана бир неча йилдирки, донорлик акцияларида олий таълим ва ҳарбий билим юрти муассасалари талабаларининг фаол иштироки кўзга ташланмоқда. Уларнинг ўз хоҳишлари билан беғараз донорлик сафига қўшилишлари эса ниҳоятда катта ташаббус. Чунки, улар ўз қонлари билан бировнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини теран англайдилар ва бу таклифни эътиборсиз қолдирмаганликлари учун беғараз донорлик сафи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

### *Талабаларнинг фаол ташаббуси*

Талабаларнинг хоҳиш-истаги, меҳр-саховатга тўла шижоатлари билан бадалсиз донорлик сафига қўшилганликларини эшитиб, тўғриси қувондик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Гематология ва қон қуйиш ил-



мий-текшириш институтининг донорлик сафини кенгайтириш, аҳолининг қон касалликларига чалиниш даражасини камайтириш тадбирларига қаратилган кенг кўламли ишлари кўпгина университет, институт ва бошқа таълим муассасалари томонидан ижобий ташаббус сифатида қабул қилинди. Шу маънода ушбу хайрли тадбирда жонбозлик кўрсатган Ўзбекистон Миллий университети мутасадди раҳбарлари ва талабалари билан мулоқотда бўлдик.



**Раъно РУСТАМОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети тиббий тайёрлов бўлими мудири:**

– Талабаларнинг тиббий билимларини ошириш борасида кафедрамиз кўпгина ишларни амалга оширган. Жумладан, донорлик тушунчаси ва уни ташкил этиш, шикастланганда ва қон кетганда кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам, қон гуруҳлари ҳамда резус омиллари тўғрисида махсус дарс соатлари олиб борганмиз. Демак, бу тушунчалар талабалар учун янгилик эмас. Лекин раҳбарият томонидан ташаббус билдирилганда кўпчилик талабалар ҳеч иккиланмай, ижобий муносабатда бўлдилар. Бу ерда гап ташаббуснинг мазмун-моҳиятини қай даражада талабалар онгига етказа билиш қобилиятига боғлиқ. Ана шуларни ҳисобга олиб, университетнинг тиббий тайёрлов бўлими, маънавият-маърифат маркази, хотин-қизлар қўмитаси, факультетларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича деканлари, талабалар турар жойларининг раҳбарияти томонидан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилди. Донорликнинг афзалликлари ва унинг инсон саломатлигига таъсири борасида талабаларга амалий дарслар ташкил этдикки, мақсад улар орасида турли хил фикр-мулоҳазалар, ноўрин тушунчалар пайдо бўлмасин. Кўзланган натижа яхши самара берди. Олти кун давом этган акцияда ҳар куни 35-40 нафарга яқин талаба беғараз донорлик учун қон топширдилар. Тиббий тайёрлов бўлимимизнинг бош мақсади ҳам ёшларнинг тиббий саводхонлик даражасини ошириш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва ўз соғликларига эътиборли бўлишларини ўргатишдан иборатдир. Йиллик режамизга мувофиқ қон касалликлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган мавзуларда назарий ва амалий дарслар ўтказилган. Бевосита бадалсиз донорлик бўйича ҳам махсус ўқув соатлари режага киритилган. Тўғриси, ушбу тадбир гўёки байрам каби ўтказилишини кутмагандим. Талабалар ўз хоҳиш-истаклари билан ташаббусни бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Назаримда, талабалар донорлик сафига қўшилиш ва ўз қонларини оғир аҳволдаги, ёрдамга муҳтож инсонлар учун бераётганликларини теранроқ англаб етдилар. Ундан ташқари, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам яхшигина натижа берди. Чунки, қон топшириш ҳар бир фуқаро учун кони фойда, бунда асосан қон янгиланиб, инсон саломатлигида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар юз беради. Шундай экан, ушбу ташаббусни ҳар бир инсон тўғри тушуниб, жиддий муносабатда бўлса, ўйлайманки, донорлик тўғрисидаги муаммолар ўз ечимини топиб боради.

### *«Биз беғараз донорлик сафидамиз»*

**Ойбек ТЎРАЕВ,**
**Тарих факультетининг учинчи босқич талабаси:**

– Мен бугун донорлик сафига қўшилдим. Бундан жуда бахтиёрман. Энди халқ саломатлиги, юртимнинг тинчлиги, осойишталиги учун ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга тайёрман.

**Бекзод ЭСАНОВ,**
**Физика факультети талабаси:**

– Қон топширишга аввал чўчиб турдим. Тушунтириш ва тарғиботлардан кейин бу қўрқув ўрнини ички қатъият ва кучли ирода эгаллаб олди. Мен ҳеч иккиланмасдан, қўрқмасдан ва ўз хоҳишим билан беғараз донорлик сафига қўшилдим.

**Сарвара ХЎЖАЕВА,**
**Ўзбек филологияси факультети талабаси:**

– Мен тенгдошларимнинг беғараз донорлик сафида бўлишларини хоҳлардим. Чунки, қон топшириш орқали биз нафақат бировнинг ҳаётини сақлаб қолиш, балки ўзимизда кечаётган тиббий ўзгаришларни ҳам билиб, соғлигимиз тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлар эканмиз.

**Азиз НИШОНОВ,**
**География факультети талабаси:**

– Ёшлигимда қондан қўрқардим. Институтнинг тиббий тайёрлов бўлимида таҳсил олиб, қон ва у билан боғлиқ касалликлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Демак, биз берган қон кимнингдир ҳаётини сақлаб қолар экан. Мен бундай ташаббус ва донорлик акцияларини қўллаб-қувватлайман.

***Демак, қон – бу ҳаётимиз ва тириклигимиз манбаи. Унинг ҳар бир томчиси биз учун қадрли. Шундай экан, соғлигимизни асраш йўлида беғараз донорлик сафида бўлиб, атрофдагиларимизни ҳам ана шундай хайрли ва савоб ишларга ундашда давом этаверайлик.***

**Намоз ТОЛИПОВ.**
**Суратлар муаллифи Собир МАЖИДОВ.**

*Медицинские учреждения страны*

# УПОРНЫЙ ТРУД, ПОСВЯЩЕННЫЙ ЗДОРОВЬЮ ДЕТЕЙ



***“Мы дарим детям надежду на достойную жизнь” – именно с этой фразой мы столкнулись при входе в Республиканскую детскую психоневрологическую больницу имени У.К. Курбанова (РДПБ). Смысл, вложенный в эти слова, раскрыл нам всю глубину и благородность деятельности, осуществляемой многочисленным медицинским персоналом данного лечебного учреждения. Мирный, уютный двор, очень сильно напоминающий добрые дворы детского сада с качелями, бассейнами и изображениями героев мультиков, дал нам понять, что сейчас мы встретимся с маленькими обитателями данного места – детишками, большинству из которых был поставлен неутешающий диагноз – детский церебральный паралич (ДЦП).***

Взяв курс на административный корпус, с которого мы и начали свое знакомство с больницей, мы встретились с **Шаирой НОРМАТОВОЙ,** работающей заместителем главного врача по лечебным вопросам. Именно она стала нашим экскурсоводом, которая впоследствии проведет нас по всем кабинетам и отделениям, познакомит с работниками и, конечно, детишками. Она рассказала нам очень интересный факт о том, что больница была основана в 1966 году после сильного землетрясения в Ташкенте, в результате которого много детей с заболеванием ДЦП остались без крыши над головой. С самого момента своего создания РДПБ была призвана служить благородным целям. Мы начали наш разговор со следующего вопроса:

**– Шаира Октябревна, скажите, пожалуйста, кем же является У.К. Курбанов, в честь которого было названо данное лечебное учреждение?**

– Он является основателем данной больницы. Это был такой человек, который никогда не сидел на месте и всегда добивался того, чего хочет. Поначалу больница представляла собой одно здание, в котором не было ни воды, ни отопления. В очень скором времени он разбил везде цветники, обучил врачей в Москве и Санкт-Петербурге. Он был уникальным человеком. Кстати, наша больница стала первой в стране, специализирующейся на заболевании ДЦП.

**– Структурировать и упорядочить деятельность такого крупного учреждения очень сложно. Расскажите, как организована деятельность в больнице?**

– Сначала дети проходят через консультативную поликлинику, где после тщательного осмотра врача им ставится диагноз, а также определяется последующая тактика лечения. Лечение может быть амбулаторным, рассчитанным на детей до 3 лет. Данный вид лечения предусматривает ежедневное посещение поликлиники для получения необходимой дозы препаратов. Другой вид лечения – стационарный, на который принимаются дети старше 3 лет. Особенность нашей больницы в том, что в стационар дети кладутся без родителей. Не должно возникать никаких опасений, так как у нас все организовано, очень хороший уход за ребенком. Отделения для маленьких детей организованы по типу детского сада, что создает своеобразную непринужденную, внебольничную обстановку. У нас функционирует педагогическое отделение, в котором работают воспитатели, логопеды, учителя, их работа направлена на психическое развитие ребенка. Дело в том, что при детском церебральном параличе наблюдаются дефекты в трех сферах – двигательной, речевой и психической, в нашем учреждении работа ведется в трех направлениях, корректирующих все три сферы. Это очень важно и является главной особенностью нашего лечения, так как положительный эффект даст только та работа, которая принимает во внимание

**(Окончание на 15-й стр.).**

**Жорий йилнинг 12-13 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон гематолог ва трансфузиологларининг II съезди бўлиб ўтади»**

# УПОРНЫЙ ТРУД, ПОСВЯЩЕННЫЙ ЗДОРОВЬЮ ДЕТЕЙ

**(Окончание. Начало на 14-й стр.)**

не какую-то одну, отдельно взятую сферу, а охватывает все три. На территории больницы функционирует школа, рассчитанная на начальные и средние классы. Курс обучения длится в среднем 3 месяца, и для того, чтобы у ребенка не возникало проблем с обучением, мы организовали классы, где обучение ведется на русском и узбекском языках.

**– Детский церебральный паралич одним своим названием вводит человека в напряжение. Что же на самом деле он собой представляет?**

– ДЦП – это группа непрогрессирующих синдромов, которые возникают в результате перинатального поражения центральной нервной системы. Так как заболевание имеет разные проявления, его возникновение детерминируется множеством факторов. В числе главных причин – заболевания матери до беременности: хронические, патологии щитовидной железы и сердечно-сосудистой системы; далее следуют заболевания, перенесенные во время беременности, возникшие под воздействием любого вредного фактора; процесс родов и послеродовой период при неправильном уходе за ребенком также могут стать следствием ДЦП. Консультативная поликлиника занимается ранним вмешательством – чем раньше начато лечение, тем меньше степень инвалидизации в дальнейшем. Детей с перинатальной энцефалопатией до 3-х лет при своевременном начале лечения можно вылечить полностью, что немаловажно, так как она в дальнейшем может вылиться в ДЦП. Что же касается тех, кто попадает на лечение в стационар, мы не ставим себе цель – вылечить их, так как вылечить ДЦП на 100% невозможно. Мы стремимся к тому, чтобы максимально развить возможные навыки самообслуживания и передвижения, добиться того, чтобы дети могли себя полностью обслужить, покушать, одеться и т.д. У самих детей есть стремление овладеть новыми навыками, которые дадут им больше свободы в жизни.

**– Согласно Вашим словам, полного излечения от ДЦП не существует. Тогда какие методы лечения применяются вами для максимального улучшения состояния больных?**

– Мы стремимся к тому, чтобы у нас были все способы лечения, которые существуют. Лечение должно быть комплексным. Мы предлагаем медикаментозное лечение, массаж, лечебную физкультуру, при необходимости хирургическое лечение, лечение местными инъекциями, физиотерапия, занятия с логопедом, воспитателями, иглорефлексотерапия. Из новых методов лечения наиболее новый – местные инъекции ботулотоксина, применяемые для снижения мышечного тонуса и представляющие собой локальные инъекции, которые делаются местно в ту или иную мышцу. При ДЦП тонус одних мышц повышен, каких-то, наоборот, снижен. Это и создает так называемую патологическую позу при ходьбе. Этот препарат начинает действовать с третьего дня, после чего ребенок может овладеть дополнительными двигательными навыками, походка становится почти такой, как у здорового ребенка. Данный препарат показан не всем, и мы отбираем детей, кому их можно вкалывать. Наиболее любимый всеми детьми метод – иппотерапия (лечебная верховая езда). Данным методом невозможно вылечить ребенка, но он очень повышает самооценку. Сидя верхом, малыш "овладевает" таким крупным животным, как лошадь. Кроме того, ребенок сидит, растягивая мышцы, лошадь горячая, благодаря чему происходит расслабление от тепла, улучшается кровообращение, происходит массаж в результате постоянных колебательных движений. У нас заключен договор со школой конного спорта высшего класса, и они в виде гуманитарной помощи выделяют инструкторов и занимаются с нашими детьми.

**– Как Вы можете охарактеризовать кадровый потенциал больницы?**

– Нашей больнице уже 43 года, она имеет огромный опыт в лечении детей с ДЦП. У нас есть врачи, которые работают с первого дня основания больницы. Текучести кадров, как таковой, нет, не каждый человек решится здесь работать. Тут должны работать люди, у которых широкие души и сердца и которые могут полностью посвятить себя детям. Труд здесь физически и морально очень тяжелый. Врачи работают здесь годами, привыкают к детям, чувствуют себя нужными, после чего желания уходить отсюда просто не возникает.

**– Как происходит обмен опытом со специалистами из других стран?**

– Мы принимаем участие во всех конференциях, посвященных инвалидности, так как дети с ДЦП имеют инвалидность. Мы регулярно посещаем неврологические и психические конференции, так как ДЦП влечет за собой отклонения разного профиля и стоит на первом месте по инвалидизации. Мероприятий, посвященных вопросам детского церебрального паралича, очень много, и мы часто выступаем со своими докладами на таких событиях.



**Нежные и умелые руки массажистки способствуют облегчению в передвижении.**



**Занятия музыкой и хореографией развивают не только двигательную активность, но и слух малышей.**



**Уроки физкультуры являются одним из главных занятий детей.**



**Опытные хирурги проводят сложнейшие операции по коррекции суставов конечностей.**

**– Какие советы и рекомендации Вы бы дали родителям, имеющим ребенка, страдающего ДЦП?**

– В первую очередь необходимо обратиться за помощью к специалистам. К сожалению, очень многие родители тянут, думая, что заболевание пройдет само по себе, упуская тем самым возможности, когда можно восстановить несозревшие функции. Ни в коем случае не следует отчаиваться и опускать руки. Проводя очень активное лечение и не получая адекватных их усилиям результатов, родители опускают руки. Чудодейственных методов не существует, но по крупицам можно достичь заметных результатов. Ребенка можно социально адаптировать, для этого родители должны содействовать врачам, усердно занимаясь с ребенком и выполняя все рекомендации уже после выписки домой. Мы регулярно проводим родительские собрания, в которых объясняем простые правила реабилитации.

*Шаг за шагом мы посещали основные пункты больницы, первым из которых стало отделение "Мать и дитя". Как мы узнали из слов специалиста, данное отделение является единственным местом, где вместе с ребенком может находиться еще и мать. Матери, чьи дети проходят лечение, являются настоящими помощниками врачам. От них требуется не просто контроль над ребенком, а настоящее содействие врачам в процессе необходимых процедур, обучающих занятий. Матери, находясь в этом отделении в среднем около месяца, набирают большой опыт, который впоследствии применяют после выписки уже на дому.*

*В психоневрологическом отделении мы увидели малышей, играющих кубиками в комнате для игр, после чего они перешли в актовый зал, где инструктор проводил для них урок хореографии.* ***Нас встретила заведующая отделением, заслуженный врач Узбекистана Озода УМАРОВА.*** Она рассказала нам следующее:

– Отделение рассчитано на 45 детей от 3 до 5 лет. Сейчас дети собираются на музыкальное занятие, сегодня им еще предстоит пройти лечебную физкультуру, массаж. С ними ежедневно занимается логопед. У нас есть дети, которые не могут жевать, глотать. Делая массаж артикуляционного аппарата, логопед облегчает это состояние. В этом отделении находятся самые маленькие дети. И по анализу отчета, этот возраст является самым эффективным. Пройдя лечение здесь, дети, которые раньше не могли даже стоять на ногах, почти полностью осваивают основные навыки. Постепенно мы смогли добиться того, что сначала они научились сидеть, потом ползать, а вскоре и вовсе встали на ноги.

*В отделении хирургической ортопедии, куда отправились дальше, мы зашли к ребятам, совсем недавно перенесшим тяжелые операции на суставах конечностей.* ***Заведующий отделением, хирург, кандидат медицинских наук Фархад ХАМРАЕВ,*** который проводит все операции лично, рассказал нам об их особенностях:

– Мы исправляем фиксированные деформации у детей до 4-5 лет, которые подлежат консервативному лечению. В основном речь идет о патологических позах, препятствующих свободному передвижению ребенка; в большинстве случаев – это перекрест ног. Операции проводятся на верхних и нижних конечностях. Нижние конечности оперируем посуставно сверху вниз, берем симметричные суставы – коленные, голеностопные и так далее. В случае перекреста ног, который встречается очень часто, мы работаем с коленными суставами, если коленки разгибаются – с голеностопом. Одним из примеров является внутренняя ротация, когда нога развернута вовнутрь. Данный вид патологической позы мы тоже исправляем оперативным путем. Конечно, самое главное в успехе лечения и операции – это послеоперационная реабилитация. Качественная и профессиональная реабилитация является гарантией того, что ребенок встает на ноги быстро. Детишки лежат здесь около 2 недель, в зависимости от заживления. Как правило, мы снимаем швы через 14 дней после операции. Через 2 дня после снятия швов мы их отпускаем.

*Помимо двух вышеперечисленных отделений мы посетили комнаты логопеда и учебные комнаты, кабинет лечебной физкультуры и тренажерный зал, кабинет физиотерапии. Куда бы мы ни зашли, нас везде встречали теплые улыбки врачей и открытая расположенность маленьких пациентов. Все малыши очень открыты и легко идут на контакт. Вероятно, сказывается нехватка общения со сверстниками, чего-то нового, из того другого мира, который лежит за пределами больничных стен. Добродушное, ласковое обращение с детьми персонала больницы привело нас в восторг. Для детей, проходящих лечение вдали от родителей, их лечащие врачи и соседи по палате становятся настоящей семьей. Работники, в свою очередь, стараются дать им все то, чего они волею судьбы были лишены.*

**Как заметил один из докторов, дети находят здесь для себя настоящих друзей, с которыми они вместе проходят через все сложные и болезненные этапы лечения и реабилитации. Ведь никто не сможет понять тебя лучше, чем тот, кто пережил то же, что и ты. Дети, с которыми мы повидались в больнице, несмотря на свой юный возраст, уяснили для себя это правило. Мы поздравляем весь персонал Республиканской детской психоневрологической больницы с Днем медицинского работника!**

**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**

**Автор фото Сабир Маджидов.**

Шеърият

# ШИФОКОР ҚАЛАМИДА ДИЛ САТРЛАРИ

## ТИББИЁТ ДЕРМАН

Минг бир соҳанинг суянган тоғи,
Борлиқнинг ноёб ҳаётбахш ёғи,
Тилаклар тоқи юлдуз, чироғи,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

Атроф-муҳитнинг қадри қиммати,
Тириклик рамзи, одил ҳиммати,
Сафобахш сарҳад, салоҳ ҳурмати,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

Аёлнинг бахти алласи, гули,
Мўлтираб турган гўдакнинг тили ...
Ногирон, ночор қўлсизнинг қўли,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

Кафтида яйрар аҳли ер шари,
Таъзим айлагай барча ёш-қари,
Дўсту душманнинг ҳамдарди, ёри,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

Буюклик қасрин қалъа, кўрғони,
Битмас туганмас бойлиги кони,
Ватаннинг донғи, шарафи, шони,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

Туну кун ўйчан, бедор бўласиз,
Шиорингиз – ҳеч ким бўлмасин бемор,
Олган илмингиз макони мадор,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

Таъриф изласанг топилмас мадҳи,
Фикру зикрида минг дарднинг маҳви,
Муқаддас неъмат – ақлнинг чархи,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

Минг бир соҳанинг суянган тоғи,
Борлиқнинг ноёб ҳаётбахш ёғи,
Тилаклар тоқи юлдуз, чироғи,
Тиббиёт дерман, бешак тиббиёт.

**Рустам АБДУЛҲАМИД.**
Андижон вилояти.

## СЎЗИ МАЛҲАМ ШИФОКОРЛАР

Беморларга маҳрибонсиз,
Дили дарёйи уммонсиз,
Хаста кўнгилга дармонсиз,
Саломатликка посбонсиз.
Элга ҳамдам шифокорлар,
Сўзи малҳам шифокорлар.

Дардга қарши курашасиз,
Ҳаёт дея талашасиз,
Ўлим билан олишасиз,
Омонликлар улашасиз.
Элга ҳамдам шифокорлар,
Сўзи малҳам шифокорлар.

Соғлом танда не қилсин ғам,
Сиз туфайли соғмиз, бардам,
Бахтимизга доим Сиз ҳам,
Дард кўрмангиз бўлинг соғлом.
Элга ҳамдам шифокорлар,
Сўзи малҳам шифокорлар.

Сўзингиз ҳам малҳам, мадор,
Соғлом бўлмагунча бемор,
Тунларингиз кечар бедор,
Сизга раҳмат такрор-такрор.
Элга ҳамдам шифокорлар,
Сўзи малҳам шифокорлар.

**Бобоқул МАНСУРОВ,**
шифокор.

## НАМАНГОНИМ

Киндик қоним тўкилган юрт, сен бергансан танда жоним,
Мадҳинг куйлаб чарчамайман – она юртим Намангоним.
Норин ювар кокилларинг, атрофларинг пурвиқор тоғ –
Гўзал маскан, жаннатмакон – она юртим Намангоним.

Боғларингда турли мева, боғбонларинг бекиёсдур,
Деҳқонларининг касбин пири, бу ҳолат ота меросдур.
Юрт ризқини қилиб тўла яратиш бу сенга мосдур,
Пешонамда тердан топган – она юртим Намангоним.

"Опоқ дада" мўйсафидлар, юзларидан ёғади нур,
Момоларни атаб "ача" кўрсатишар ҳурмат, ғурур.
Ҳаёт болин тотишади – болалардан топиб ҳузур,
Одобинга берарман тан – она юртим Намангоним.

Машрабинг ҳам олди илҳом шундай юртдан, раънолардан,
Чустий ўғлинг бўлди мумтоз териб маржон маъноларда́н.
Шоир эрур ҳар фарзандинг – олган ўгит доноларда́н,
Нафис қалблар масканисан – она юртим Намангоним.

Турсунойнинг, Ҳабибанинг ҳам ўтди-кетди, қолдириб дур,
Булбулинг бор – Камолиддин куйлаганда тоғлар эрур.
Турдали-ю Мирза ўғлинг, Раҳимжонлар юртга ғурур,
Санъатмакон юрт эрурсан – она юртим Намангоним.

Олим ўғлинг Аҳмадали донишликда қозонди донг,
Игна билан қудуқ кавлаб билим излаб оттиринг тонг.
Илм аҳлини қилиб қойил, дунё бўйлаб у урди бонг,
Донишмандлар юртидирсан – она юртим Намангоним

Топгин ривож, она юртим, паҳлавонлар юртидирсан,
Ҳаммамизга сенсан бешик қаҳрамонлар юртидирсан.
Қайда бўлсак илинж сенга, сен ўзинга тортадурсан,
Маърифингман, мен ҳам ўғлинг – она юртим Намангоним.

**Маъруф МАДАМИНОВ,**
шифокор.

### МУТАХАССИС ЁН ДАФТАРИДАН

*"Хирургнинг ютуғи унинг эгаллаган билими ва эришган тажрибасига асосланиб донолик билан ўз вақтида қўллаган амалиётига боғлиқ".*

*"Тажрибали хирургнинг қўл бармоқлари ҳам иккинчи кўзидир".*

*"Шифокорнинг бир рақиби бор – бу касалликдир. У билан бир умр ғолибона курашмоғи лозим".*

*"Бастакор яратган мусиқаси, ёзувчи ёзган асари билан фахрланса, шифокор беморнинг сақланган ҳаёти ва унинг узайтирилган умри билан фахрланади".*

*"Шифокорда инсондаги жамики олижаноб фазилатлар бўлмоғи лозим ва у ҳаммасини беморнинг тақдири учун жалб қилиши керак".*

*"Шифокорнинг бошқа касблардан фарқи у кийган оқ халатда эмас, балки шу халатга юклатилган масъулиятдадир".*

*"Инсонга берилган учта иноят: саломатлик, умр ва вақтнинг қадрига етиш, уни барча маломатлардан асрайди".*

*"Билимсиз, тажрибасиз хирург қўлидаги скальпель ўқотар қуролга тенг".*

*"Илм-фан ютуғи, нафс оқибатига, инсоф баракатига таянган шифокорни фақат олқиш кутади".*

*"Тиббиёт қуйидагиларни хуш кўрмайди: касаллик ташҳисида шошма-шошарликни, хирургик операциясида – нуқсонни, мижоз муолажасида – кўполликни, бемор давосида – эринчоқликни".*

**Отабой МАДАМИНОВ.**

## МАҚСАДИМ, ТИНМАЙИН ҚИЛАЙИН ХИЗМАТ

Андижонликман, шу юртнинг фарзандиман,
Гапнинг ҳам лўндасини сўзлайман.
Шаҳарлар сараси гўзал Андижон,
Не буюк зотларга бўлгандир макон.

Сўлим ҳавосидан Бобур тин олган,
Зилол сувларидан Нодира ичган.
Муҳаммад Юсуф умри шу ерда ўтган,
Чўлпон киндик қони шунда тўкилган.

Шерали, Санобарлар булбул мисоли,
"Андижоним", – дея ёниб куйлаган.
Ўзбек машинаси Ватани шу ер,
Қизлари лобару, йигитлари шер.

Меҳнаткаш деҳқони лафзи ҳалолдир,
Устаси заргару, косиб, кулолдир.
Шу гўзал Ватанда бир маскан бордир,
Одамлари доим меҳнатга ёрдир.

Эркалаб-суйдилар кечаю-кундуз,
Болалик ва ёшлик чоғларим ўтди.
Оппоқ орзуларим сари интилиб,
Ўқидим, изландим, тинмадим бир дам.

Патронаж ҳамшира Адолатхонман,
Мақтансам арзийди, бутун қишлоқда.
Мен билмаган инсон, кирмаган уй йўқ,
Ҳар бир хонадондан хабар оламан.

Бекорчи ишларга менинг вақтим йўқ,
Эл-юрт соғлигидир менинг ташвишим.
Мақсадим, тинмайин қилай хизматин,
То танда бор экан заррача жоним.

**Адолат ТЎХТАБОЕВА,**
Андижон туман «Ровот» ҚВП ҳамшираси.

## АРМОН

*(Халқ саломатлиги йўлида 24 йил хизмат қилган акам Неъмат Зариповнинг ёрқин хотирасига бағишлайман)*

Баҳор келганида сени сўроқлаб,
Кўксимда ўксиниб соғинч йиғлади.
Ҳамма яхши-ёмон сиққан дунёга,
Сенинг меҳр тўла кўзинг сиғмади.

Ака деганимда титрар юрагим,
Минг бир оғриқ жонгинамга ботади.
Жиянларим кўзи мунглиғ, кўнгли кам,
Сенинг ҳижронингда тонглар отади.

Отам деб бағрингга бошим қўйгандим,
Акам дея ҳурмат айлаган эдим.
Онам кўнглим ғаш, дея йиғласа,
Нохуш тушларини ҳушга йўйгандим.

Ҳар қадамда ҳалолликка ундадинг,
Ҳақ сўзни айт дея уқтирди кўзинг.
Акажон, зерикдим сенсиз дунёдан,
Баъзида алдадим ўзимни ўзим.

Сен тарк этган дунёларда мен сарсон,
Сенсизликдан озор етар кўнглимга.
Ёдинг билан яшарман энди, акажон,
Бир умр армон бўлдинг синглингга.

**С. ЗАРИПОВА,**
ҳамшира.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплекс эксплуатацияси бошқармаси бошлиғи Баҳодир Эргашевга волидаи муҳтарамаси
**Шарофат ая**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Ижрочи муҳаррир Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Мақола, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга ⓘ шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел:. 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4888 нусха.
Буюртма Г-1050.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz
Топширилди – 00.30. 2 3 4 5